



# ИШОНЧИ

50/51

1994 йил  
17 декабрь  
(192—193)

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг газетаси

25 декабрь—Сайловлар куни



Ангрен шаҳридаги 9/151 сайлов участкасининг бош ташвиқотчиси Асатилла Ғозиев номзодларнинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида газетада босилган материаллар билан сайлов участкасига йиғилган ташвиқотчи ва ходимларни таништирмоқда. Шунингдек, умумхалқ сайловига тайёргарликни кучайтириш юзасидан маслаҳатлашишмоқда.

Даврон Аҳмад олган сурат.

## Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори РЕСПУБЛИКАДА САВДОНИ ЭРКИНЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Истеъмол бозорини озик-овқат ва ноозиқ-овқат товарлари билан тўлдиришда савдо ташкилотларининг манфаатдорлигини ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Белгилаб қўйилсинки, 1995 йил 1 январдан бошлаб савдо устамалари товарларни ташиш, сақлаш ва сотиш харажатларидан келиб чиққан ҳолда савдо корхоналари томонидан мустақил равишда белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси савдо устамаларини белгилаш тартибини 10 кун мuddатда манфаатдор ташкилотларга етказсин.

2. Чакана савдо тармоғида мавжуд бўлиши мажбурий бўлган озик-овқат ва ноозиқ-овқат товарлари рўйхати иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Бу банднинг сўзсиз бажарилиши учун жавобгарлик Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари ҳамда шахсан Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари М. Усмонов зиммасига юклансин.

3. 1995 йил 1 январдан бошлаб аҳолига белгиланган нормаларга мувофиқ озик-овқат ва кундалик эҳтиёждаги ноозиқ-овқат товарларини сотиш бўйича чеклашлар олиб ташлансин.

4. "Ўзбексавдо" давлат уюшмаси,

савдо тармоғига эга бўлган вазирликлар ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари:

савдо корхоналарининг янги эгалар билан шартномалар тузилаётганда иловада кўрсатилган товарларнинг эркин савдода мавжуд бўлишини мажбурий равишда назарда тўтсинлар;

товар ресурсларини қидириб топиш, истеъмол бозорини тўлдириш ишларини давом эттирсинлар, уларнинг республика аҳолисига узлуксиз сотилишини таъминласинлар.

5. Вазирлар Маҳкамасининг 1991 йил 6 мартдаги 59-сон, 1991 йил 1 апрелдаги 80-сон қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 26 февралдаги 98-сон қарорининг 1 ва 7-бандлари, Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 30 майдаги 199-ф-сон фармойиши 1995 йил 1 январдан бошлаб ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Бош вазирнинг ўринбосари М. Усмонов зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг  
Раиси  
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,  
1994 йил 14 декабрь.

## Вазирлар Маҳкамасининг қарорига илова

ЧАКАНА САВДО ТАРМОҒИДА МАВЖУД БЎЛИШИ МАЖБУРИЙ БЎЛГАН АСОСИЙ ОЗИҚ-ОВҚАТ ВА НООЗИҚ-ОВҚАТ ТОВАРЛАРИ РЎЙХАТИ

- |                         |              |
|-------------------------|--------------|
| 1. Ун                   | 5. Чой       |
| 2. Макарон маҳсулотлари | 6. Туз       |
| 3. Ўсимлик ёғи          | 7. Кир совун |
| 4. Қанд-шакар           | 8. Гугурт    |

## ХАБАРЛАР МАҒЗИ

ЎЗБЕКИСТОН Республикаси Президенти Ислам Каримов Жаҳон банкининг Россия ва Марказий Осиё бўйича бўлими директори Юкон Хуангни қабул қилди.

ЎЗБЕКИСТОН Республикаси Президентининг таклифига биноан Президент Александр Лукашенко бошчилигидаги Беларусь Республикаси давлат делегацияси 1994 йил 21—23 декабрь кунлари расмий ташриф билан Ўзбекистонда бўлади.

ЎЗБЕКИСТОН Республикаси Олий Мажлисига сайлов ўтказувчи Марказий сайлов комиссиясининг навбатдаги мажлисида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига бўладиган сайловга тайёргарликнинг бориши тўғрисида ахбороти тингланди. Унда республикада бошланган сайлов компанияси ҳамма жойда Конституция талаблари асосида, сайлов тўғрисидаги қонунга қатъий мувофиқ равишда ўтаётгани, барча тайёргарлик ишлари сайловни демократия ва кенг ошкоралик руҳида ўтказишга қаратилгани қайд этилди.

ЎЗБЕКИСТОН Республикаси Президенти Ислам Каримов Америка Қўшма Штатларининг Тожикистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси С. Эскудерони унинг илтимосига биноан қабул қилди.

ТОШКЕНТДАГИ Зобитлар уйида Хиросимадаги XII Осиё ўйинларида қатнашган Ўзбекистоннинг армия спортчиларини шарафлаш маросими бўлди.

ПОКИСТОН пойтахти Карочида буюк олим ва давлат арбоби Мирзо Улугбек таваллудининг 600 йиллигига бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

МУСТАҚИЛ юртимизда ҳар куни янги бир воқеани гувоҳи бўлмоқдамиз. Утган ҳафта ичи жамиятимиз тарихида ўзига муносиб ўрин олишга қодир шундай воқеалар содир бўлдики, бу ҳақда қанча гапирсанг шунча оздай. Венгрия пойтахтида Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик кенгаши конференциясига тўпланган давлат бошлиқлари Евроосиё муаммоларини ҳал қилиш, қитъада ва бутун жаҳон ҳамжамиятида тинчлик ўрнатишга доир ҳаракатларни кучайтириш билан боғлиқ масалаларни кўриб чиқдилар. Конференцияда республикамиз Президентини иштирок этиб, нутқ сўзлади.

— Бугунги кунда Ўзбекистон жамиятини қайта қуриш, ишчиларнинг сиёсий ва миллий онги, янги демократик қадриятлар тикланиши ва мустақамланиши сингари қийин, табиий жараёни бошдан кечирмоқда, — деди жумладан юртбошимиз ўз нутқида, — Мамлакатда очик демократик давлат қуриш, бозор муносабатларини шакллантириш жараёни изчиллик билан бормоқда.

Мустақилликка эришганимиздан кейин ўтган 3 йил биз танлаган йўл тўғри эканини кўрсатди. Биз ўтказётган ислохотларнинг моҳияти энг аввало, иқтисодиётни мафкурадан ҳоли қилиш, унинг сиёсатдан устунилиги, бизнинг шаронтимизда "фалаж қилиб даволаш" деб аталмиш усулни қўллаб бўлмаслиги, энг муҳими кучли ижтимоий сиёсатни амалга ошириш, ўтказилаётган ислохотларнинг изчиллиги ва босқичма-босқич амалга оширилишини таъминлашдан иборат.

Президентимиз Ислам Каримов мамлакатимизда моддий фаровонлик учун мустақкам пойдевор қуриш йўлида айниқса тинч-осойишта турмуш кечирishi ҳам таъкидлади. "...Бугунги Европанинг хавфсизлиги фақат Европадаги осойишталиккагина эмас, балки унинг атрофидаги минтақалар барқарорлигига ҳам боғлиқлигини" аниқ аглаётганини ҳам эслатиб ўтди

Президентимиз.

Утган ҳафта бўлиб ўтган энг муҳим воқеалардан яна бири Асосий Қонунимиз қабул қилинганлигининг 2 йиллигини тантанали равишда нишонлашимиз бўлди. "Туркистон" саройида бўлиб ўтган мустақил диёришимиз тарихидаги энг улуғ саналардан бири — Конституциямиз кунига бағишланган йиғилишда ҳам Президентимиз Ўзбекистоннинг тенг ҳуқуқли аъзоси сифатида Будапештда ўтган мажлисда қатнашганлиги

га сазовор бўлди.

Халқимизнинг суюкли фарзанди, салоҳиятли қалам соҳибининг 100 йиллик тўйи умумхалқ байрами сифатида ўтди. Тантананада сўзга чиққанлар улуғ адибнинг ўзбек адабиёти, маданияти ривожига қўшган улкан ҳиссаси, унинг ижоди ва ҳаёти барча авлодларга намуна бўлажаги тўғрисида ҳам сўзладилар.

9 декабрь куни Вазирлар Маҳкамасида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А. Муталов раислигида Республика Вазирлар Маҳкамаси давлат мулкини хусусийлаштириш ва тадбиркорликни ривожлантириш ҳамда халқ истеъмоли моллари, савдо ва пулли хизмат мажмуаларининг қўшма мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисида йўтуқлар батафсил ўрганилиб, ислохотларни жадал ўтказишни таъминлашга қаратилган ишларни амалга ошириш масалалари кўтарилди.

Юртимизда яна бир тарихий воқеа содир бўладиган кунга қизгин тараддуд бормоқда. 25 декабрь — Сайловлар куни. Олий Мажлис депутатлигига номзодлари кўрсатилганлар билан республикамизнинг ҳар бир вилояти, шаҳри, туманида учрашувлар ўтказилмоқда. Қорақалпоғистон республикаси, Тошкент вилояти, Қашқадарё, Наманган, Хоразм, Андижон, Фарғона, Жиззах, Самарқанд ва Сурхондарё вилоятларидаги учрашувлари айниқса мазмундор ва тантанали равишда ўтди.

Мазкур сайловга тайёргарлик халқимизнинг дунё қарши ўзгариб бораётганини кун сайин яққолроқ ҳис қилаётганимиздан далолатдир. Бугунги кунда ҳар бир киши Ватанга садоқат, ваъдага вафо, она замин гуллаб-яшнаши учун юксак масъулият туйғуси билан яшамоқда. Мамлакатимиз ўз кучига, ўзининг бой ресурсларига таянган ҳолда ҳар бир фуқаро фаровон турмуш кечирishiни таъминлашга, демократик ва ижтимоий адолатга асосланган жамият сари ўзига хос йўлдан боришга шак-шубҳа йўқ.

## ФАРОВОНЛИК ЙЎЛИДА

қувончли ҳол эканлигидан мамнунигини билдирди. "Модомки, биз янги жамият, озода ва обод ватан қурмоқчи эканмиз, жаҳондаги, хусусан Европадаги тараққий этган давлатлар тажрибасидан ҳам имкони борича фойдаланмоғимиз керак, — деб ўқтирди юртбошимиз. — Европада, балки бутун дунёда осойишталик, тинчликни қарор топтириш, моддий фаровонликка эришмоқ гоилари бизнинг энг олий мақсадларимиз билан муштаракдир".

Моддий бойликка эга бўлган фаровон давлат учун курашмоқ бир, икки кишиниқина иши эмаслигини ҳам таъкидлади Ислам Каримов. Ҳар бир ватандошимиз миллати, тили, дини, маъна ва мансабидан қатъий назар ватан менга нима берди деб эмас, балки мен ватанга нима бердим, унинг равнақи йўлида нима иш қилдим, деган эътиқод билан яшашни лозимлигини ўқтирди.

Республикамиз Президентининг Фармонига кўра, ўзбек халқининг маънавияти ва маърифатини, миллий қадриятлари ва онгини юксалтириш йўлидаги беқиёс хизматлари учун атоқли ва устоз ёзувчи марҳум Абдулла Қодирий таваллудига 100 йил тўлиши муносабати билан у республикамизнинг "Мустақиллик" ордени-

# ОЛИЙ МАЖЛИСГА КЎРСАТИЛГАН НОМЗОДЛАР УЧУН ОВОЗ БЕРАЙЛИК!

## Хулкар Баҳодирович ЖАМОЛОВ, 55-ТЎҚИМАЧИЛИК САЙЛОВ ОКРУГИ

ИНСОН умри... нақадар қисқа. Йўқ, нақадар узун... Умр мазмунини ортда қолган йиллар ва йўллар эмас, экиб қолдирилган дарахтлар, эзгу ишлар белгилайди. Эҳтиж-мандларга энг кўп нафи етаётган паллани, неча ёшда бўлишидан қатъий назар, йигит умрининг чўққиси дейиш мумкин.

Хулкар Жамолов ҳам ана шундай чўққиди. Дарвоқе, сиз Хулкар Баҳодировични танийсизми?... 64 ёшда.

У меҳнат фаолиятини Тошкент авиация заводида бошлади. 1978 — 85 йилларда Бухоро шаҳар партия комитетининг биринчи котиби вазифасида ишлади. 1985 йилдан касаба уюшмалари тизимида меҳнат қилади. 1994 йилнинг январь-

да Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши раиси қилиб сайланди.

— 1986 йилдан буён Хулкар Баҳодирович билан бирга ишлайман, — дейди Тошкент шаҳар касаба уюшмалари кенгашининг раиси О. Сафоев. — Республикамиз меҳнат аҳлининг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, меҳнатга ҳақ тўлашни тартибга солиш каби масаладар шу кишининг ташаббуси билан Ўзбекистон Республикаси қонун-лойиҳаларига ва касаба уюшмалари дастурига киритилди.

Ҳ. Жамолов Тошкент шаҳрида яшаса-да, бухороликлар уни яхши биладилар. Зеро, у Бухоро фарзанди. Эл-юрт ташвиши билан ёнган жонқуярни ҳамма ерда билишади.

## Бибиайм Алланазаровна ЮСУПОВА, 248-ЧИМБОЙ САЙЛОВ ОКРУГИ

— Бундай ҳаяжонли ташвишларнинг ўзига хос хислатлари бор. Энг муҳими, сенга халқ ишонч билдирди, бундан ортиқ шараф борми, — дейди Бибиайм Алланазаровна. — Шунинг ўзи зимманга улкан масъулият юклаганидир. Буни мен бутун вужудим билан ҳис қилиб турибман.

Ярим йилча бурун Қорақалпоғистон республикаси касаба уюшмалари Кенгаши раислигига сайладилар. Меҳнат фаолиятим учунгина ўзгариш эмас, балки янги жамоага келиб, янги дунё қараш, атроф-теваракдаги одамларнинг фикр-ўйлари, эзгу-ниятлари билан ошно бўлиб ишлаш учун кўз олдимда янги бир дунё очилгандай эди.

Дарвоқе, Бибиайм Алланазаровна қисқа муддат ичи янги иш жойида ҳамма билан тез қовишиб кетибгина қолмай республика касаба уюшма ташкилоти фаолиятини ривожлантиришнинг янги йўналишини бошлаб юборди. Буни бўлиб ўтган ҳисобот-сайлов тадбиримиз барчага барабор тасдиқлади.

Бибиайм Алланазаровнанинг удабуронлиги, ташаббускорлиги натижасида касаба уюшмалари ўзининг бевосита вазифасини бажариш билан шугуллана бошлади. Энг муҳим вазифа меҳнаткашлар манфаатини ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ҳимоя қилишга айлантирилди.

— 25 декабрь икки кишидан биримиз Ўзбекистон Республикасининг Олий органига лойиқлигимизни ҳал қилиб беради, — дейди у сўхбатни давом эттираркан, — шунинг учун элбурундан бир хулосага келақолишга ошиқмайлик. Ахир мен билан ёнмаён номзоди қўйилган Чимбой тугруқхона бош ҳақими Дамехон Мурзабоевна Тоганиезова ҳам эл хурматида сазовор бўлган, кўпнинг назаридаги аёл. Мабодо сайловда у ютиб чиқар бўлса ҳам ачинмайман, қайтага хурсанд бўламан. Чунки Ўзбекистон Халқ Демократик партияси томонидан менинг кўп йиллик ҳалол меҳнатимга муносиб баҳо берилиб, юксак ишонч билдирилганининг ўзи менинг учун катта бахт.

## КИЗГИН ТАЙЁРГАРЛИК

БУ ЙИЛГИ сайлов биринчи марта кўппартиялик асосида ўтаётгани учун ҳам аҳамиятлидир. Барча сиёсий партиялар бу сайловда ўз номзодлари билан иштирок этадилар. Масалан: 193-Кува сайлов округидан 3 киши Ўзбекистон Олий Мажлиси депутатлигига номзод қилиб кўрсатилди. Фарғона вилояти кенгашидан Кува Мебель ишлаб чиқариш ҳиссдорлик жамияти бошлиғи Мусажон Исмоилов, Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан 3-мактаб директори Тойиржон Абдураимов, "Ватан тараққиёти" партиясидан эса хусусий саноат-савдо комбинати директори Хабибулло Рустамов номзодликка тавсия этилдилар.

194-Хўжа-Ҳасан сайлов округидан эса тумандаги Ш. Рашидов номли жамоа хўжалик раиси Мастура Сайфуддиновани Ўзбекистон ХДП ташкилоти ва Навоий номидаги жамоа хўжалиги бош ҳисобчиси Турсунали Эминовни Фарғона вилояти кенгаши номзодликка кўрсатди. Бу партияларнинг орау-ниятига, мақсади битта. Халқимиз ҳаётини янада яхшилашдан ибратдир.

Биз ҳам сайлов куни ниҳоятда масъулият, ҳалоллик, талабчанлик билан иш олиб боришга, халқимиз хоҳиши — иродасини юзага чиқаришга камарбастамиз.

Халқ ўзи билиб, энг муносиб фарзандларини Олий Мажлисга, вилоят, шаҳар ва туман кенгашларига депутат қилиб сайлайди. Беш йил катта муддат — ишонамизки, Кувамиздан сайланган, халқ кўллаб-қувватлаган депутатлар халқимиз манфаатини, республикамиз тараққиётини ифодалайдиган қонуналар қабул қиладилар.

Соийбжон СОЛИЕВ,  
Кува тумани сайлов  
комиссиясининг котиби.

— Ҳамидулла Раҳматуллаевич, мустақил юртимиз бошқа кўп мамлакатларнинг тажрибаларидан ўрганиб, ўрнат олиб, инсонпарвар, демократик ҳуқуқий давлат қуриш йўлидан астойдил бормоқда. Бўлажак сайловлар ҳам ана шу эзгу ниятлар муносабати биландир. Шунинг учун ҳамма ерда бу муборак кунга тайёргарлик қилиб кетган бугун. Шу тўғрисида сизнинг мулоҳазаларингизни билмоқчи эдик.

— Мазкур сайлов давлатимизнинг асосий қонунига мувофиқ сиёсий партияларга ижтимоий ҳаётда фаол иштирок этиши учун тенг ҳуқуқ ва имкониятлар яратилишига сабаб бўлмоқда. Кўп партиявийлик асосида сайлов ўтказиш республикамизда турли ижтимоий табақа ва гуруҳларнинг сиёсий иродасини ифода-

лайди. Улар ўз навбатида демократик йўл билан сайланган вакиллари орқали давлат ҳокимиятини шакллантириш ишларида фаол иштирок этадилар. Бошқача қилиб айтганда, фуқароларнинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий ҳуқуқларини ҳимояланиши ва кафолатланиши тўлақонли таъминланади. Ана шу жиҳатдан ҳам бу сайлов бутунлай янги ва кўп жиҳатдан ибратли ўтади, деб ҳисоблайман.

Олий Мажлисга халқ вакиллари билан сайлаш учун зўр масъулият билан ишга киришилган бугун. Минг шукрки, депутатликка номзоди кўрсатилганлар ичида мен танийдиган ва касаба уюшмалари кўмити ва тармоқларида ишлаб, ўзларини кўрсатган, халқ манфаатини ҳимоя қилиш йўлида жон куйдирадиган, ҳақиқий жафокашлар ҳам анчагина. Уларнинг аксарияти ҳар

жиҳатдан етук, олижаноб одамлар. Ҳар бир ишни етти ўлчаб бир кесиш қабилида бажаришга одатланган, камтарин ва ишчан одамлар. Ҳамма билан самимий, ҳар кимнинг дилидагини топишга, билишга ва уларнинг муҳтожлик томонларини билса, бажонидил қўлини чўзиб, мушкулени осон қилишга ўрганган одамлардир. Мен ана шундай одамларнинг ўзига ҳам, виждонига ҳам, ваъдасига ҳам ишонаман. Уларнинг жуда кўп фазилатлари, эларо орттирган обрўлари, макелари, қобилиятларига ишонаман.

— Сайловда ўзбекистонлик фуқароларнинг демократик ҳуқуқ ва эркинликлари қандай ҳимоя қилиниши тўғрисида ҳам икки оғиз гапирсангиз.

— Аҳолининг ҳуқуқ-эркинликлари қабул қилинган конституция-миз томонидан рўй-рост чизиб берилган. Унинг 19-моддасида шундай жумлалар бор: "Ўзбекистон Республи-

каси фуқароси ва давлат бир-бирига нисбатан бўлган ҳуқуқлари ва бурчлари билан ўзаро боғлиқдир. Фуқароларнинг конституция ва қонуналарда мустақамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсиздир, улардан суд қарорисиз маҳрум этиш ёки уларни чеклаб қўйишга ҳеч ким ҳақли эмас". Демак, конституция фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларини бузганни жавобгарликка тортиш учун асосдир. Шунинг учун куч ишлатиш, алдаш билан фуқароларнинг сайлаш ва сайланиш ҳуқуқларига ҳалол бериш, бирон жиҳатдан тўсқинлик уюштириш, шунингдек, ҳужжатларни сохталаштириш, овозларни нотўғри санашиларга йўл қўйишлар жавобгарликка тортилишлар учун сабаб бўлади. Шу жиҳатдан бу сафарги сайловимиз ниҳоятда адолатли ва олижаноблик билан ўтишига ишонаман.

## НОМЗОДЛАРИМИЗНИ КЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАЙМИЗ

Бугунги кундаги сайловолди тадбирлар бўлажак Олий Мажлисининг муваффақияти билан иш бошлаб, фаолият юритиши учун замин яратмоқда. Ана шу муносабат билан Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши бўлим мудири Ҳамидулла ПИРИМҚУЛОВга мурожаат қилиб, унинг фикрини билишга қизиқдик.



Қизилтепалликлар 25 декабрь куни бўлиб ўтадиган сайловга қизгин тайёргарлик кўрмоқдалар. Бу ерда сайловчиларни рўйхатга олиш, уларни сайлов қондалари билан яқиндан таништириш ишлари муваффақиятли амалга оширилмоқда.

Суратда: 9-Арабхона сайлов участкаси фаолиятдан лавҳа.

Т.НОРҚУЛОВ (ЎЗА) тасвири.

Касаба уюшмалари ҳаёти

ЎЗ КАСБИГА СОДИҚЛАР

ЖАМИЯТ тараққийини қурилишларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида бирор иншоотни бунёд этиш эса ўзи бўлмайпти, албатта. Лекин қурилиш, монтаж, созлаш, таъмирлаш соҳасидаги кенг кўламли ишлар ўз самарасини берапти. Минг-миглаб забардаст қурувчилар ўз кўзлаган марраларини эгаллашмоқда.

Ўзбекистон қурилиш ва бинокорлик материаллари санвати ходимлари касаба уюшмаси III қурултойида маъруза қилган Марказқўм раиси Ш. У. Ёқубов таъкидлаганидек, тармоқ меҳнаткашлари қурултойлар ўртасида катта бунёдкорлик ишларини рўёбга чиқардилар. Олдинги қурултой қарорига биноан тармоқ касаба уюшмаси Марказий кўмитаси билан республикадаги бир қатор йирик қурилиш, монтаж, қурилиш ва бинокорлик материаллари санвати корпорациялари, концернлар, уюшмалар ўртасида 1993-1995 йиллар учун тузилган Битимларга соҳа меҳнаткашларини иқтисодий-ижтимоий ҳимоялашни кучайтириш, иш шaroитлари яратишга доир имтиёзларни кўзловчи бир қанча қўшимчалар киритилди. Бу қўшимчалар куйи тақдирларга 1994 йилги жамоа шартномаларини белгилашда қўл келди. Масалан, "Ўзқурилишматериаллари" концерни, "Ўзсанотхўжалиққурилиш" корпорацияси, "Ўзмонтаж-маҳсуқурилиш" уюшмаси ҳамда "Тошкентқурилиш" корпорацияси ва бошқа ташкилотларнинг бўлимлари Битимларга киритилган қўшимча вазифаларни бажаришга астойдил ҳаракат қилдилар ва қилмоқдалар. Чунончи энг кам иш ҳақи миқдорини 25 фозга ошириш, саломатлиги сабабли касбини ўзгартирганларга янги касбни ўзлаштириб олгунга қадар иш жойларида ўртача иш ҳақи сақлаш, кўнгилсиз ҳодиса ёки касб касалиги туфайли ишга лаёқатсиз, деб толинган ходимга бир йўла камида беш йиллик маош миқдорига нафақа тўлашни жорий этиш каби имтиёзлар шулар жумласидандир.

Марказий Кўмита ҳисобот давридаги мажлис ва раёсат йиғилишларида Битимлар ижросини мунтазам қўриб, муҳокама қилиб борди. Шу йилги бир йиғилишда "Ўзсанотхўжалиққурилиш" корпорацияси билан тузилган Битимнинг ижроси қўриб чиқилганда шу нарса аён бўлдики, ўтган йили бу йирик қурилиш ташкилотига 12,5 мингга яқин ишчиларга пул тўланадиган қўшимча меҳнат таътиллари берилди. Овқат пули, болалар-боғчаси учун бадаллар ҳамда парҳез таомлар учун 916 миллион 700 минг сўм-купон миқдорига тоvon тўланмоқда. Ходимлар таътилга чиққанда даволаниши учун моддий ёрдам кўрсатишга 298 миллион сўм-купон сарфланди. Спорт мажмуи, ётоқхоналар, профилакторийлар, дам олиш ҳудудлари, болалар боғчалари ва оромгоҳлари учун сарф харажатлар 473,5 миллион сўмни ташкил қилди.

Пенсия оловчилар, кўп болали оилаларга бир йўла берилган ёрдам пули 46 миллион сўм бўлди. Болаларни соғломлаштириш оромгоҳлари ва санаторий-курортларда даволаниш йўлланмалари учун 52 миллион сўм, йил давомидаги байрамлари ("Наврўз", Қурувчилар кўни, Мустақиллик, Конституция кунлари) нишонлаш, маданий-оммавий тадбирларни ўтказишга 44,2 миллион сўм, ходимларнинг сабзавотлар сотиб олишлари учун 27,2 миллион, йўл кира учун 61 миллион сўм сарфланди.

Корпорация ишчиларини ижтимоий ҳимоялашга ўтган йилнинг ўзида салкам 2,5 миллиард сўм харажат қилди. Бу бой ташкилотнинг ўз ходимларига саҳовотпешалиги бу йил ҳам кам бўлмайпти.

Нотўқ ўз маърузасида соҳада умуман инсон омиллини асраш ва унга ғамхўрлик кўрсатишга катта эътибор берилганлигини алоҳида уқтириб ўтди.

Ҳисобот даврида 13 мингга яқин киши сўхатгоҳларда дам олиб даволанди. 14 минг кишига парҳез овқатга йўлланмалар берилди. 51 минг ходим ва уларнинг оила аъзолари ташкилотларга қарашли сўхатгоҳларда ўз саломатликларини мустақамлашди, 49 минг ўғил-қизлари соғломлаштириш оромгоҳларида хордиқ чиқардилар.

Ҳисобот даврида Марказқўм оммавий-соғломлаштириш ва спорт ишларини ташкил этишда ҳам бир қатор тадбирларни амалга оширди.

Бунёдкорлар учун зарур иш шaroитлари яратиш, меҳнатни муҳофаза қилиш бобида ҳам талайгина ишлар

қилинди. Салкам 4 йил ичида меҳнат техник нозирлари тармоқ ташкилотлари ва корхоналарида 1902 марта текширув ўтказдилар. Улар 30 минг бор меҳнат муҳофазаси қонда ва меъёрлари бузилганлигини аниқлаб уларни бар-тароф этиш бўйича баённомалар ёздилар. Ходимларнинг шикастланиши ва ўлим ҳодисаларининг олдини олиш мақсадларида 798 машина, механизм, ускуналар, шунингдек 178 қурилиш, цех ва участкалар иши вақтинча тўхтатиб қўйилди.

Меҳнат муҳофазаси қонун қондаларини бузганлик учун 306 раҳбар ва муҳандис-техник ходимга жарималар солинди, 21 нафари эгаллаб турган лавозимдан бўшатилди. Қўрилган бу чора тадбирлар ҳисобот даврида ишлаб чиқаришда умумий шикастланишнинг камайишига ва бахтсиз ҳодисалар рўй беришини олдини олишга ижобий таъсир кўрсатди.

Маърузачи 170 мингдан ортиқ касаба уюшмаси аъзоларини бирлаштирган 4067 гуруҳ, 875 цех кўмитаси ва 1026 бошланғич касаба уюшма ташкилотларига раҳнамолик қилаётган Марказий Кўмитанинг ҳисобот давридаги фаолиятини кенг ва атрафлича таҳлил қилиб, иқтисодий ислохотлар давридаги ҳозирги долзарб вазифаларни ҳам тавсифлаб берди. Ишдаги камчиликларни ҳам рўй-рост очиб ташлади.

Қурултойда тафтиш комиссиясининг раиси Л. Д. Сергеевнинг ҳам ҳисоботи тингланди.

Маърузалар юзасидан музокараларда тармоқ касаба уюшмаси Тошкент шаҳар кўмитаси раиси И. Я. Жарова, "Наманганстрой" трести бригадир Ш. Дадамурзаев, Нукусдаги 166-қурилиш трести касаба уюшмаси кўмитаси раиси К. У. Гаипова, "Навоийцемент" ишлаб чиқариш бирлашмаси касабақўм раиси В. Ю. Факеев, "Ўзпромг-ражданстрой" корпорацияси раиси О. А. Орипов, Тармоқ касаба уюшмаси Фарғона вилояти кўмитаси раиси М. М. Мўминов, Тошкент вилояти кўмитаси раиси Т. Д. Давлатов, "Ўзсантехгазмонтаж" трести биринчи монтаж бошқармаси ишчиси О. Д. Сергеев, тармоқ касаба уюшмаси Марказий Кўмитасининг Андижон вилояти бўйича касаба уюшма ташкилотчиси Ж. М. Нуриддинов сўзга чиқдилар. Улар ўз нутқларида ҳисобот таҳлилин тўлдирди билан бирга қурилиш ва монтаж ишларида унумдорликни ошириш, соҳа меҳнаткашларининг ижтимоий-иқтисодий ҳимоясини янада кучайтириш, қўлай иш шaroитлари яратиш ва меҳнат муҳофазасини тўла таъминлаш соҳасидаги муаммоларни ўртага ташладилар. Қурилиш корхоналари, ташкилотларида ишловчиларнинг махсус кийим-кечак, пойабзал ва яқка тартибда ҳимояланиш воситаларига бўлган талаблари ҳамон қондирилмай келинаётганлигини, бу хусусда Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил апрель ойидаги фармойиши суств бажарилаётганлигини алоҳида таъкидладилар. Фармойишни ижро этувчи ташкилотлар адресига танқидий фикрлар билдирдилар. Бироқ ҳар қандай қийинчиликларга қарамай бунёдкорлик юмушлари соҳиблари ўз касбларига содиқ қолажакларини айтдилар.

Қурултой қабул қилган қарорда Марказий Кўмита билан тафтиш комиссиясининг ҳисобот давридаги фаолиятлари қониқарли деб топилди. Вакиллар тармоқ касаба уюшмасининг ҳаракат Дастури ва Низомига киритилган ўзгариш ва қўшимчаларни тасдиқладилар. Ўзбекистон касаба уюшмалари ҳаракат Дастури билан Низоми лойиҳаларини асосан маъқулладилар.

Қурултойда тармоқ касаба уюшмаси Марказий Кўмитаси билан тафтиш комиссиясининг янги таркиби, Ўзбекистон касаба уюшмалари XV-қурултойига вакиллар сайланди.

Ўзбекистон қурилиш ва қурилиш ашёлари санвати ходимлари касаба уюшмаси Марказий Кўмитаси раиси қилиб Ш. У. Ёқубов, раис ўринбосари этиб М. С. Петросянц бир овоздан сайландилар.

Қурултой ишида "Ўзқурилишматериаллари" концерни раиси А. С. Ибобов, "Ўзгеоқурилишсанот" бош бошқармаси бошбоғи Л. Х. Хантов, "Тошкентқурилиш" корпорацияси раиси Т. О. Зокиров қатнашдилар.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши раисининг муовини Қ. М. Рафиқов нутқ сўзлади.



— Қудратилла Мирсоатович, жаҳон касаба уюшмаларининг катта анжуманида мустақил Ўзбекистонимиз вакилларининг илк бор қатнашиши бўлса керак! Сиздан бу қандай ташкилот ва унинг ташкил бўлиши тарихини билмоқчи эдик...

— Бутунжаҳон касаба уюшмалари Федерацияси (БКФ) 1945 йили фашизм ва урушга қарши кураш ғоясини олға сурувчи меҳнаткашлар ва касаба уюшмаларининг халқаро бирдамлик ташкилоти сифатида дунёга келган эди. Уша маҳаллар маъзур ташкилот 1200 миллиондан ортиқ аъзони ўз сафига бирлаштирган бўлиб, уларнинг аксарият қисми социалистик мамлакатлар касаба уюшмаларидан ташкил топиб, энг йирик халқаро ташкилот сифатида оламга танилган эди. БКФнинг рақиблири уни "КПСС ва СССРнинг ғоясини сиёсат юргизиш қуроли" деб атай бошлашган эди. Шунинг учун уларга қарама-қарши ўлароқ БКФ 1949 йилдан халқаро эркин касаба уюшмалари конфедерацияси деб атай бошланди. Унга Америка меҳнат федерацияси билан ҳамхўҳат Фарбий Европанинг энг йирик касаба уюшма марказлари аъзо бўлиб кирдилар.

— Демак, бу айнан "совуқ уриш" фожеалари авж олган пайтларда икки бир-бирига қарама-қарши сиёсий тузум, икки хил мафкура бир-бирига зид фаолият қизитган даврига тўғри келган экан. Мана ниҳоят, жаҳон социалистик тузум тугади. СССР йўқ. Бундай ўзгаришлар касаба уюшмаларининг жаҳон ҳаракатига ҳам ўзининг таъсирини кўрсатган бўлса керак!

— Социалистик тузум инқирози БКФга катта зарба бўлиб тегди. Деярли Шарқий Европанинг барча ташкилотлари, Федерация ва халқаро касаба уюшмалар бирлашмаси БКФни тарк этиш билан бирга молиявий ва бошқа хил ёрдам кўрсатишни ҳам тўхтатиб қўйдилар. Шундан сўнг БКФ сафини тўлдирдиш учун Хитой касаба уюшмалари марказини жалб этишга тўғри келди. Бироқ, бу уринишлар ҳам пучга чиқди. Чунки умумхитой касаба уюшмалари Федерацияси биронта жаҳон касаба уюшмалари марказига

МЕҲНАТКАШЛАРНИНГ ХАЛҚАРО БИРДАМЛИК АНЖУМАНИ

Шу йилнинг 22-26 ноябрь кунлари Сурия Араб Республикаси пойтахти Дамашқ шаҳрида XIII бутунжаҳон касаба уюшмалари конгресси бўлиб ўтди. Конгресс ишида кузатувчи сифатида республика касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши раиси ўринбосари Қ.М.Рафиқов раҳбарлигидаги Ўзбекистон вакиллари ҳам иштирок этишди. Мухбиримизнинг у билан олиб борган қўйидаги сўхбати ҳам ана шу анжуман ҳақидадир.

Ўхшаш ташкилотларга қўшилиш мақсадида йироқ эди. Натижада БКФ сафида саноқли касаба уюшмалар марказларинга қолишиб, холос. Ҳозирги кунда унинг сафини 68 мамлакатнинг 60 миллион нафардан ошмаган меҳнаткаши тўлдириб турибди. Уларнинг асосини Латин Америкасидаги бир неча мамлакат касаба уюшма марказлари ташкил қилади. XIII конгрессда Бразилия умуммеҳнат конфедерацияси Президенти Антонио Нетто БКФ Президентлигига сайланди.

БКФнинг фаолият юргизишда Сурия касаба уюшмалари маркази— ишчилар уюшмалари умумфедерацияси муҳим роль ўйнамоқда. Яқин Шарқ мамлакатларининг ҳозирги шaroитини тартибга солиш ҳамда вазиятни яхшилаш мақсадида ҳар жиҳатдан БКФни қўллаб-қувватлашга қодир халқаро касаба уюшмалари кўмагини уюштириш учун чора-тадбирлар илганмоқда. Мана шу сабабларга кўра айнан Дамашқ шаҳрида БКФнинг ташкилий ва моддий жиҳатдан таъминланишини кўзлаб, сурияликларнинг фаол иштироки билан XIII умумжаҳон касаба уюшмалари анжумани ўтказилиши бежиз эмас.

— Анжуманда қандай масалалар муҳокамага қўйилди ва касаба уюшмалари бошлиқлари маърузаларида асосан қандай диққатга сазовор гаплар бўлди!

— Асосий маъруза БКФнинг бош котиби Александр Жариков томонидан қилинди. У кўпроқ бутунжаҳон касаба уюшмалари анжумани ер юзиде тинчлик, осойишталик ўрнатиш, мамлакатларнинг миллий мустақиллиги, демократия ва инсон ҳуқуқи учун курашда катта рол ўйнаб келганлиги тўғрисида гапирди. У ва ундан кейин сўзга чиққанлар ҳам сўнгги йиллардаги ўзгаришлар асосан экстремизм, марказий ва шарқий Европа мамлакатларида иқтисодий ночорлик содир бўлиши, меҳнаткашларнинг ижтимоий аҳволи мураккаблашиб кетганлиги сабаб бўлганлигини ҳам таъкидлаб ўтдилар. Бозор муносабатларини тиклаш мақсадида ўйланмасдан амалга оширилган иқтисодий ислохотлар кўпчиликни қашшоқликка олиб келганини ҳам яширмадилар.

Анжуман пайтлари ўзбекистонлик вакиллар БКФнинг Бош котиби, Хитой Халқ Республикаси, Япония, Франция, Қурия, Хиндистон, Вьетнам касаба уюшмалари ва халқаро қурувчилар касаба бирлашмалари раҳбарлари билан учрашиб, сўхбат ўтказдилар. Уларга мустақил Ўзбекистонимизда бўлаётган янгиликлар, ўзгаришлар, ислохотларнинг бориши тўғрисида ҳам гапириб беришди. Айниқса, Президентимиз томонидан мамлакатимизда бозор муносабатларига босқичма-босқич ўтишининг беш тамойили таърифи кўпларни ниҳоятда қизиқтириб қўйди. Ҳаммадан "Янгисини қурмай туриб, эскисини бузма" деган доно фикрлар алоҳида мамнуният билан тингланганлигидан бизлар фахрландик. Республикаимиз касаба уюшмалари аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш сиёсатини қўллаб-қувватламоқда. Президентимиз ҳам касаба уюшмаларини ислохот ўтказишда елкадошдир, дея ишонч билдирганлиги ҳам бежиз эмасда, ахир.

Мамлакатимиз вакиллари Сурия умумкасаба уюшмалари Федерацияси Бош котиби Одех Касис билан учрашиб, сўхбатлашди. Бундан буюн икки томонлама бевосита алоқаларини ривожлантириш мақсадида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси билан Сурия Араб республикаси, шунингдек, мамлакатлараро тармоқ ва ҳудудий касаба уюшмалари ўртасида аҳиллик муносабатлари ўрнатиш масаласида ҳам келишиб олинди.

— Шубҳасиз, бундай муборак тадбир ва ўзаро тузилган келишувлар мамлакатлар ўртасидаги дўстлик, тотувлик ва халқаро меҳнаткашлар билан касаба уюшмалари ўртасида бир-бирини тушуниш тўғруларини камол топишга ёрдам беради. Қизиқарли сўхбатнингиз учун ташаккур, Қудрат Мирсоатович, ишингизда муваффақиятлар тилаяман.

ЭЛ ХИЗМАТИНИНГ ФИДОЙИЛАРИ

Ҳадислардан бирида айтилишича кўзи ожизни 40 қадам етаклаб, ун йўлга солиб юборган киши катта савоб соҳиби бўлармиш. Чиндан ҳам ожиз ва ногиронлар ҳожагини чиқариш одамийликка хос хислат бўлиб, бутунги кунда у давлат йўли билан ҳам рўёбга чиқарилмоқда, кўзи ожизлар ва қарлар жамиятларининг аъзоларига давлатимиз ҳар томонлама ғамхўрлик кўрсатмоқда. Уларни бирлаштирган касаба уюшмаси тармоғи ҳам инсонийлик ва ҳиммат кўрсатиш бобида катта савобли ишларни амалга оширмоқда. Тармоқ бу ҳожат талаблардан ташқари республика аҳолисига коммунал ва манший хизмат кўрсатиш соҳаси, меҳнатчиларини маҳаллий ва мебель санвати ходимлари ҳамда ўт ўчирувчиларни ҳам жамлаган бўлиб, улар ҳаммаси 320 мингга яқин кишини ташкил этади. Бундай олиб қараганда тармоқ меҳнаткашларининг ҳожат-барорлиғи савобли ишларга фидойиллиги туфайли халқимиз ўз турмушидан хотиржам ва осойишта нафас олапти. Тўғри, ҳали ичимлик сув, газ этиб бормаган қишлоқлар, уйлари яхши симаётган шаҳарлар республикаимизда йўқ эмас, албатта. Бу соҳада иш ҳам ечимини кутаётган муаммолар ҳам бор. Уларни ҳал этиш меҳнат жамоаларидан катта куч ва имкониятларни ишга солишни талаб этади. Бунда тармоқ меҳнатчиларини ижтимоий-иқтисодий ҳимояси, улар учун зарур иш шaroитлари яратиши, меҳнат муҳофазаси, сўхбат-саломатлигини мустақамлашни учун яна қатор тадбирларни амалга оширишга тўғри келади.

Худди шу масалалар кўни кеча бўлиб ўтган Ўзбекистон маҳаллий санот, коммунал-манший корхоналар ходимлари касаба уюшмасининг II Қурултойида батафсил муҳокама қилинди. Тармоқ касаба уюшмаси Марказий Кўмитаси раиси А.И.Раҳимов маърузасида ҳисобот даври фаолияти атрафлича таҳлил этилди.

— Қурултойимиз, — дейди у, — иқтисодий ислохотлар қизгин паллага кирган пайтда ўта япати. Утган тўрт йилдан ортиқроқ даврда касаба уюшмалари ҳаётида ҳам туб ўзгаришлар рўй берди. Тармоқ касаба уюшмамиз ўзига хос бўлган барча ишлардан озод бўлиб, фаолиятларини фақат меҳнаткашларнинг ҳақ-ҳуқуқларини, манфаатларини ҳимоя қилиш вазифаларини бажаришга қаратдилар.

Маърузачи тармоқда корхоналарни хусусийлаштириш, меҳнатчилар иш ҳақларини ошириш, соғлигини сақлаш ва саломатликларини мустақамлаш, меҳнат муҳофазасини таъминлаш бобида ҳисобот даврида қилинган ишларга кенг тўхтади. Марказқўм раҳбарлигида 2121 бошланғич, 1544 цех, 2644 гуруҳ касаба уюшмаларининг иш фаолиятлари давр талаби руҳида бўлаётганлигини алоҳида таъкидлади.

Қурултойда тафтиш комиссиясининг ҳисоботи ҳам тингланди. Бу ҳақда комиссия аъзоси О.Р.Туробов маъруза қилди.

Музокараларда Фарғона вилояти Риштон туманидаги бадний кулолчилик фабрикаси касаба уюшмаси кўмитаси раиси Б.Тожибоев, Тошкент шаҳар тармоқ касаба уюшмаси кўмитаси раиси Х.Ф. Юнусов, Андижондаги мебель ҳиссдорлик жамияти касаба уюшмаси кўмитаси раиси А.Каримов, мандат комиссияси раиси М.Г.Ҳасанова, Ўзбекистон маҳаллий санот давлат корпорацияси раисининг ўринбосари Ш.М. Ҳожимуродов, Бухоро вилояти тармоқ касаба уюшмаси кўмитаси раиси М.Ф.Раҳматов, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши раисининг муовини З.Э. Қодиров сўзга чиқдилар. Улар соҳа меҳнаткашларини ижтимоий-иқтисодий муҳофазасини янада кучайтириш, уларнинг ҳуқуқий манфаатларини ҳимоялашда барча омилларни ишга солиш, ҳозирги бозор иқтисодиёти шaroитида элга коммунал-манший хизмат кўрсатишдаги муаммоларни ҳал этишда ички имкониятлардан унумли фойдаланишни йўллари хусусида гапирдилар. Тармоқ касаба уюшмалари, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясига бирлашган касаба уюшмаларининг Низомлари ҳамда ҳаракат Дастурлари тўғрисида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар, айрим тақлифларини киритдилар. Шу билан бир қаторда касаба уюшма раҳбарлари ва ходимларидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳамда шаҳар ва туманлар кенгашлари депутатлигига кўрсатилган номзодларни қўллаб-қувватладилар. Қурултой қатнашчиларини улар шу йил 25 декабрда бўладиган сайловларда овоз беришга чақирдилар.

Қурултой қабул қилган қарорда тармоқ касаба уюшмаси Марказий Кўмитасининг ҳисобот давридаги фаолияти қониқарли деб топилди. Тафтиш комиссиясининг ҳисоботи тасдиқланди.

Қурултойда тармоқ касаба уюшмаси ҳамда тафтиш комиссиясининг Низомлари, касаба уюшмаси ҳаракат Дастури қабул қилинди. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясига бирлашган касаба уюшмаларининг Низом билан ҳаракат Дастури асосан маъқулланди.

Марказий Кўмита ва тафтиш комиссиясининг янги таркиблари, Ўзбекистон касаба уюшмалари XV қурултойига вакиллар сайланди.

Тармоқ касаба уюшмаси Марказий Кўмитаси раислигига Адхам Илҳомович Раҳимов, раис муовинлигига Абдурашид Анорбоев бир овоздан сайландилар.

Қурултой ишида Ўзбекистон Республикаси коммунал хизмат кўрсатиш вазир В.К.Михайлов, "Ўзманшийхизмат" уюшмаси раиси З.Т.Собиров, "Ўзмаҳаллийсанот" давлат корпорациясининг раиси А.С.Казаканов, "Ўзмебельсанот" концерни раиси С.Т.Мақсудов иштирок этдилар.

Тожибой АЛИМОВ, "Ишонч"нинг махсус мухбири.

Сўхбатдош: А.СИЛЕЕНКОВ.

## ҲИСОБОТ-САЙЛОВ КОНФЕРЕНЦИЯЛАРИ

“Ишонч” мухбирлари хабар қиладилар.

### НАМАНГАН

ҚўМИТА раиси Иброҳимжон Мирзараҳматовнинг ҳисобот маърузасида таъкидланишича, касаба уюшмалари билан маъмурий ўртасида тузилаётган шартнома ва битимлар меҳнат киши манфаатини ифодалашнинг самарали воситаларидан бўлиб қолди.

Қишлоқ ҳўжалигида қўл меҳнатини камайтириб, техника тараққиётини кучайтириш учун хавфсизлик қонда талабларига риоя этиш касаба уюшмалари эътиборида. Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш, хусусийлаштиришда адолат билан иш тутиш муҳимлигини эътиборга олиб бу жараёнга ҳам касаба уюшмалари фаол аралашаётир.

Қишлоқларда 1880 га деҳқон ҳўжалиги ташкил этилиб, буларга 1543 гектар ер тақдим этилди. Ҳозирги кунда улар қошида салкам 8 минг киши меҳнат қилмоқда. Вилоят касаба уюшмаси қўмитасига қарашли ҳўжаликлар, ташкилотлар, корхоналар томонидан моддий ёрдамга муҳтож, табиий офатлардан зарарланган хонадонларга катта ёрдам кўрсатилди.

Конференцияда Иброҳимжон Мирзараҳматов Наманган вилояти агросаноат ходимлари касаба уюшмаси қўмитаси раислигига қайта сайланди. Конференцияда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши раисининг биринчи ўринбосари, тармоқ Марказий Қўмитаси раиси Тўлқин Собитов ва вилоят касаба уюшмалари кенгаши раиси Хабибулло Абдурахимовлар қатнашиб, нутқ сўзладилар.

### ЖИЗЗАХ

ВИЛОЯТ соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмасининг бўлиб ўтган конференциясида вилоят тармоқ касаба уюшма қўмитаси раиси Г. Ҳалилова билан тафтиш комиссиясининг раиси Т. Норқўзиёвнинг ҳисоботлари тингланди.

Ҳар иккала маърузалар юзасидан музокаралар бўлди.

Конференцияда вилоят тармоқ касаба уюшмаси қўмитасининг ва тафтиш гуруҳининг янги аъзолари сайланди. Шунингдек, Жиззах вилоят касаба уюшмалари VIII уюшмаларо конференциясида, Ўзбекистон соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмалари II-қурултойига вакиллар сайланди.

Конференцияда Жиззах вилоят касаба уюшмалари кенгаши раиси И. Хушиев, сўзга чиқди.

Конференция сўнггида янги сайланган вилоят тармоқ касаба уюшмаси қўмитасининг бўлган ташкилий мажлисида Жиззах вилояти соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси қўмитаси раиси этиб яна Г. Ҳалилова сайланди.

### НАВОИЙ

ВИЛОЯТ халқ таълими ва фан ходимлари касаба уюшмасининг

ҳисобот-сайлов конференциясида қўмита раиси Ҳасан Фахридиновнинг ҳисоботи тингланди.

Ҳисобот маърузаси юзасидан бўлган музокараларда сўзга чиққанлар ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар. Улар ўз фаолиятларидаги ютуқ ва камчиликларни эътироф этиб, пировардида ҳамжихатлик барқарор бўлса шу кундаги вақтинчалик моддий қийинчиликлар бартараф этилишини алоҳида қайд этдилар.

Конференция иштирокчилари халқ таълими ва фан ходимлари касаба уюшмаси вилоят қўмитасининг янги таркибини сайладилар. Ҳасан Фахридинов яна шу тармоқ касаба уюшмаси қўмитаси раислигига сайланди. Халқ таълими ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси раиси ўринбосари Аскаралли Султонов ва касаба уюшмалари вилоят кенгаши раиси Светлана Махневалар конференцияда қатнашдилар.

СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ХОДИМЛАРИ Навоий вилояти касаба уюшмасининг ҳисобот-сайлов конференцияси гоят ишчанлик ва фидойилик руҳида ўтганлиги билан эътиборга лойиқ бўлди. Унда соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмалари вилоят қўмитаси раиси З. Жўраев ва тафтиш комиссияси раиси А. Омоновларнинг ҳисобот маърузалари тингланди.

Маърузалар юзасидан музокараларда сўзлаганлар бугунги кунда шифокорлар ижтимоий ҳимояга муҳтожлигини таъкидладилар.

Конференцияда ушбу тармоқ касаба уюшмаси қўмитасининг янги таркиби сайланди. Зайнидин Жўраев тармоқ касаба уюшмаси қўмитаси раислигига сайланди.

### ХОРАЗМ

БУТУНГИ кунда Хоразм вилояти маҳаллий саноат, коммунал ва маиший хизмат корхоналарида 20 мингдан зиёд киши меҳнат қилмоқда. Иқтисодда амалга оширилаётган чуқур ислохотлар уларнинг ҳаётига ҳам таъсир этаётти. Биринчи навбатда айтиш керакки, мазкур тармоқларда хусусийлаштириш масалалари изчил рўйбга чиқарилаётти.

Маҳаллий саноатга қарашли 24 корхонанинг барчаси хусусийлаштирилиб давлат тасарруфидан чиқарилди. Тармоқда ишчи-хизматчиларни ижтимоий ҳимоялашга эътибор кучайтириляпти.

Меҳнаткашларни соғломлаштиришга йил сайин кўпроқ маблағ ажратилаётти.

Маърузачи вилоят тармоқ касаба уюшмаси қўмитаси раиси Р. Искандарова касаба уюшма ташкилотларида касаба уюшма маблағларидан фойдаланиш қай даражада эканлигига ҳам тўхталди.

Конференцияда тафтиш комиссиясининг ҳисоботи ҳам эшитилиб муҳокама қилинди. Вилоят ҳокимининг ўринбосари, вилоят ҳудудий коммунал бирлашмаси бошлиғи О. Одамбоев конференцияда нутқ сўзлади.

Конференцияда вилоят касаба уюшмалари кенгаши раиси К. Сапаев ҳамда Ўзбекистон Республикаси маҳаллий саноат, коммунал ва маиший корхоналар ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси раиси А. Раҳимов сўзга чиқашди.

Маҳаллий саноат, коммунал ва маиший хизмат корхоналари ходимлари касаба уюшмаси вилоят қўмитасининг ташкилий мажлисида ишонч билдирилиб Р. Искандарова тармоқ қўмитаси раиси қилиб қайта сайланди.

ВИЛОЯТ давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси VII конференциясида шу қўмита раиси О. Жалолов ҳисобот маърузаси қилди.

Маърузачи ва музокарада сўзга чиққан нотиклар ҳисобот даврида касаба уюшмалари ишчи-хизматчиларнинг меҳнаткашларга зарур иш ва дам олиш шароитларини яратиб бериш, соғломлаштириш, кам даромадли оилаларга моддий ёрдам бериш сингари вазифалар ҳақида фикр юритдилар.

Конференцияда тафтиш комиссиясининг раиси Д. Бобожоновнинг ҳисоботи ҳам муҳокама этилди.

Ўзбекистон давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси раиси А. Муҳаммаджонов конференцияда нутқ сўзлади.

Вилоят касаба уюшмалари кенгаши раиси К. Сапаев, раис ўринбосари О. Болтаев конференцияда иштирок этдилар.

Янгидан сайланган давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси вилоят қўмитасининг ташкилий мажлиси бўлди. Мажлис О. Жалолови яна шу қўмита раиси қилиб сайлади.

УРГАНЧ шаҳар тadbиркорлар касаба уюшмаси кенгаши ибратли ишларни амалга оширмоқда. Яъни ишчи-хизматчиларнинг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий манфаатлари ҳимоя қилинмоқда.

Айни пайтда шаҳарда 650 дан зиёд кичик, шахсий ширкат, масъулияти чекланган, ижарачи ёки фирма корхоналари фаолият кўрсатаётти.

Тadbиркорларнинг дам олиши, меҳнат таътилига ўз вақтида чиқишлари ҳам касаба уюшмалари диққат марказида.

Урганч шаҳар тadbиркорлар касаба уюшмаси кенгаши раиси Ф. Машарипов бўлиб ўтган ҳисобот-сайлов конференциясида ана шулар хусусида маъруза қилди. Шундан кейин касаба уюшмаси кенгаши тафтиш комиссияси раиси Д. Матжоновнинг ахбороти ҳам тингланди.

Ҳисобот-сайлов йиғилишида вилоят тadbиркорлар касаба уюшмаси қўмитаси раиси Ю. Сафоев сўзга чиқди.

Урганч шаҳар касаба уюшмаси кенгаши, тафтиш комиссияси янги таркиби, вилоят тadbиркорлар касаба уюшмаси конференциясида делегатлар сайланди.

### БОЛАЛАР ҲАҚИДА ҒАМҲЎРЛИК

Тошкент шаҳар касаба уюшмалари кенгашининг бўлиб ўтган мажлисида болаларни ези дам олиш уяқлари ва уларни келгуси йилда ҳам яхши дам олиши ва соғломлаштирилишини ташкил этиш режалари муҳокама қилинди. Маърузачи-кенгаш раиси, Тошкент шаҳар кенгаши депутатлигига номзод О.Ш.Сафоев ва музокарада сўзга чиққанлар болалар оромгоҳларини келаси мавсумга ҳозирданок таъмирлаш ва ҳозирлаш йўллари ҳақида батаф-

сил тўхтадилар. Кўрилган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

Мажлисада шаҳар касаба уюшмаларининг II уюшмаларо конференциясини келгуси йил 25-январда чақиришга қарор қилинди.

Мажлисида Тошкент шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари Х.М.Абдураимов, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши раисининг муовини З.И.Қодиров нутқ сўзладилар.

“Ишонч” мухбири.

— Бозор иқтисодиёти шароитида турли тарздаги мулкчилик шакллари ривож топмоқда. Қишлоқда деҳқон-фермер ҳўжаликлари тобора кўпаймоқда. Қишлоқ ҳўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи ҳўжаликларга катта имтиёзлар берилмоқда. Ҳўжалик бошқарувининг иқтисодий усуллари жорий қилиш, мулкчиликнинг хилма-хиллигини қарор топтириш кишиларда мулкка эгаллик ҳиссини шакллантириш, тadbиркорликка кенг йўл очиб вазибаларни бажаришга киришдик, — деди Тошкент вилояти деҳқончилик-саноати мажмуи ходимлари касаба уюшмаси IV-конференциясида маъруза қилган қўмита раиси Камолжон Шодиметов. — Вилоятимизда 70 га давлат ҳўжалигининг 37 таси жамоа ҳўжаликларига, қолгани мулкчиликнинг бошқа шаклларига айлантирилди. 55 та корхонада очик шаклдаги ҳиссадорлик жамиятлари таркиб топди. Шахсий мулк эгалари кўпаймоқда.

Қишлоқларда аҳоли ичимлик суви билан таъминлаш чоралари кўриляпти. Аҳоли яшаш жойларида оқар газ тармоқлари кенгайтирилмоқда. Давлат тасарруфидан чиқарилган корхона, ташкилотларнинг маблағлари ҳисобига уй-жойлар қурилиб, мактаблар, шифохоналар ва бошқа жамоатчилик бинолари таъмирланмоқда. Пахта йиғим-терими даврида тармоқдаги касаба уюшма ташкилотлари теримчи ва механизаторларнинг маданий дам олишини ташкил этдилар, илгорларни рағбатлантиришга ўз ҳиссаларини қўшдилар.

Лекин вилоятда пахта тайёрлаш йиллик режаси бажарилмай қолишида касаба уюшмаси қўмиталарининг ҳам айби бор. Жойлардаги бошланғич касаба уюшмалари механизаторлар ва теримчилар ўртасида мусобақа ташкил қилишга етарли эътибор бермадилар.

Қишлоқ ҳўжалик маҳсулотлари етиштирилаётган ва қайта ишланган ҳўжалик ва корхоналарда 230 дан зиёд бошланғич касаба уюшма ташкилоти бор. Бу ташкилотларнинг кўпчилиги пахтакор ва галлакорларнинг муаммоларини етарли даражада ҳал қилолмаётти. Бунинг оқибатида меҳнаткашлар пилла, дон етиштирилганликда ҳолда 3-4 ойлик маошларини ололмадилар. Вазиятнинг оғирлиги, нақд пулларининг етишмаслиги, тўлов муддатининг эса чўзилиб кетганлиги ҳисобга олиниб, ҳўжалик раҳбарлари ва туман ҳокимларига муурожаат қилинди. Тармоқ Марказий қўмита, вилоят касаба уюшмалари кенгаши хабардор қилинди.

## ИШОНЧ ВА ИШЧАНЛИК РУҲИДА

Кўрилган чоралар туфайли қишлоқ меҳнаткашларининг иш ҳақлари тулана бошланди.

Сўнгги етти ойда вилоят жамоа ҳўжаликларида қўшимча иш жойлари барпо этилиб, 18744 киши иш билан таъминланди. 3170 нафар кўп болали аёллар, нафақа олувчилар ва ногиронлар шахсий ёрдамчи ҳўжаликларда меҳнат қилишмоқда.

Мулкчилик шаклининг ва меҳнатга муносабатнинг ўзгариши натижа-сида деҳқон оиласи иқтисодий жиҳатдан бақувват бўлиб бормоқда. Бунга Бўка туманининг Йўлдош Ҳожиматов номли жамоа ҳўжалигидаги Шарифжон Валиев, “Ачамайли” жамоа ҳўжалигидаги Абдурашид Абдурахмонов, Чиноз туманидаги Муқом Эргашевлар бошчилигидаги деҳқон-фермер ҳўжаликларида меҳнат қилаётган деҳқонлар фаолияти мисол бўла олади. Вилоятда тайёрланаётган пилла, полиз, узум, картошка ва бошқа маҳсулотларнинг 60-70 фоизи нодавлат ҳўжаликларида етиштирилмоқда.

Қўмита фаоллари маъмурийят билан жамоа шартномалари тузишга ҳар йили пухта тайёрларик кўришади. Бошланғич ташкилотлар учун ўқув семинарлари ташкил этилади.

Ҳисобот даврида меҳнат муҳофазаси қондаларига риоя этилиши бора-сида корхоналар, қурилиш ташкилотлари, жамоа ва давлат ҳўжаликларида 1354 та текширув ўтказилди. Техника хавфсизлиги қондаларига риоя этилмаган 20366 ҳолатда корхона раҳбарларига ёзма буйруқлар берилди. Текшириш жараёнида назоратчилар 995 дона технология ускуна, машина, механизмлар, 28 та ишлаб чиқариш цехлари ва участкаларидан фойдаланишни таъқиқлаб қўйишди. Касаба уюшмаси вилоят қўмитаси амалга оширган тadbирлар туфайли жорий йилда инсон-ни ўлими билан туғган жароҳатлини 40 фоизга камайдди.

Меҳнаткашларга юридик хизмат кўрсатиш талаблар даражасида ташкил этилди. 13 мингдан зиёд меҳнаткашга ҳуқуқий ёрдам кўрсатилди. Бу билан асоссиз шикоят ва аризаларнинг олди олинди. Амалдаги қонунга устуновчи 80 дан ортиқ киши ишга қайта тикланди. Меҳнаткашларнинг 350 дан зиёд ёзма ва оғзаки муурожаатлари кўриб чиқилди. Ишчиларга нисбатан юзак муносабатда бўлиб, нотўғри қарор қабул қилган 89 нафар раҳбарга маъмурий чора кўрилиб, жарима солинди.

Кам таъминланган оилаларга адресли ёрдам кўрсатиш бўйича сўровномалар тарқатилди. Сўровномалар таҳлилида 2955 та кам таъминланган оилалар ёрдамга муҳтожлиги, уларнинг 48 фоизи кўп болали эканлиги, 33 фоизи боқувчисини йўқотганлиги, 26 фоизи ногирон тугилганлиги аниқланди. Сўровнома асосида туман ҳокимликлари 1285 оилага, касаба уюшма вилоят қўмитаси, туман қўмиталари 86 оилага, ҳўжаликлар ва бошланғич касаба уюшма қўмиталари 2492 оилага молиявий ёрдам кўрсатди.

Бундан ташқари кам таъминланган оилаларга 7,73 тонна гўшт, 14,7 тонна гуруч, 19,9 тонна ун, 1,5 тонна шакар, 5,4 тонна ўсимлик ёғи ва бошқа маҳсулотлар тарқатилди.

Бекобод туманидаги Мавлонов номли жамоа ҳўжалигида У. Ниёзова оиласига уч хонали, “Деҳқонobod” жамоа ҳўжалигидаги боқувчисини йўқотган Умаровлар оиласига тўрт хонали уй қуриб берилди. Бир бош соғин сигир ҳада этилди. Сўровнома бўйича аниқланган кам таъминланган оилаларга аниқ ижтимоий ёрдам кўрсатилди. Бу оилалар ўзларини тутиб олгуларича касаба уюшма ташкилотларининг мададидан манфаатдор бўлишади.

Йиғилишида тафтиш комиссиясининг раиси В. Мавлотдиновнинг маърузаси ҳам тингланди.

Ҳар иккала маъруза юзасидан деҳқончилик-саноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Янгийўл ва Бекобод туман қўмиталарининг раислари Кендебой Эралиев, Тошмабат Широнов, Бўка туманидаги “Ачамайли” жамоа ҳўжалигидаги “Камолот” деҳқон-фермер ҳўжалигининг фермери Абдурашид Абдурахмонов, Оққўрган туманидаги “Олимкент” пахта тозалаш заводи касаба уюшмаси қўмитаси раиси, Александр Карнетов ва бошқалар сўзга чиқашди.

Маърузачи ва нотиклар Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясига бирлашган касаба уюшмаларининг Низоми ва Дастури лойиҳаларига ўзгаришлар киритиш ҳақидаги шахсий фикрларини билдиришди.

Конференция қатнашчилари деҳқончилик-саноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Тошкент вилоят қўмитаси раислигига Камолжон Шодиметовни қайта сайладилар.

Конференцияда Республика деҳқончилик-саноати мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси раиси ўринбосари Вали Қўчқоров, вилоят касаба уюшмалари кенгаши раиси Дилбар Жаҳонгирова, вилоят ҳокими ўринбосари Ҳакимжон Ҳамидовлар иштирок этишди.

Саидазим ШАРОФҲОНОВ,  
“Ишонч” мухбири.

"Эй инсонлар орасида тонг каби кумуш сочишга ўрганган одам, сенинг меҳринг қуёш меҳридай умумийдир, — деб ёзган эди А. Навоий ўзининг "Хайратул Аброр" асарида, — инсон жамоасидаги энг қомили ҳам машаққат юкини энг кўп кўтарганидир".

Ҳозирги бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида мураккаб даврни бошидан кечириётган одамлар ҳақида астойдил қайғуриб, унинг ғамини ейишни ўзига шior қилиб олганларни кўрганнингда беихтиёр буюк мутафаккирнинг ўша сўзлари эсинга тушади. Меҳнаткаш аҳли ҳуқуқи ва оддий фуқаро манфаатларини ҳимоя қилиш шу кеча кундузда республика касаба уюшмалари ходимлари зиммасида бўлса, халқни ҳам моддий ҳам маънавий жиҳатдан қўллаб қувватлашга муносиб ҳисса қўшаётган республика Қизил Ярим ой жамияти Марказий Қўмитаси ходимларининг савобли, саҳоватли кизматлари ҳам кам эмас. Махсус мухбиримизнинг Наманган вилояти Қизил Ярим ой жамияти қўмитаси раиси З. Т. Қодирова билан қилган сўхбати мавзуси ҳам ана шу тўғрисидадир.

— **Замира Турғунбоевна, тасарруфингиздаги жамият аҳлининг шу кеча кундузда олиб бораётган фаолиятини гапириб берсангиз.**

— Қайси бир шоирнинг шеърида шундай мисралар бор эди: Фақат битта тилатим Одамнинг одами бўл. Уриб турган юрагинг Бўлсин эзгуликка мўл.

Жамиятимизда ўз манфаатидан кўра ўзгалар манфаатини юқори қўя билмайдиган, қалби фақат эзгулик тўйғуси билан тўлиб-тошган, эл ғамини меҳнатини, ҳузур ҳаловатини, куч-ғайрати, ҳатто шахсий ҳаётини ҳам аямайдиган жафокашлар кизмат қилишади. Уларнинг ҳар бири ўз бурчинини яхши тушушган, чаққон, ташаббускорлар. Етти тамойилга амал қилишади. Яъни инсонпарварлик, беғаразлик, холислик,

ягоналик (яъни битта ягона жамият аҳлига кизмат қилиш), ҳар томонламалик, ихтиёрий (яъни, шахсан мурожаат қилувчиларга ҳозир жавоб бўлиш), мустақиллик (яъни бировнинг мурожаатини кутмай) миллати, ирқи, тутган мавқендан қатъий назар ғамхўрлик қилиш, зарур ердамларини аямаслик. 12 та қўмитамиз бор. 12 та раис. 180 нафар ҳамширамиз уйма-уй юриб, ночор кимсалар, кўп болали оилалар, ногирон, қаровчисиз қариялар, тасодифий ҳодисалар туфайли жароҳат топанлар, табиий офатдан зарар кўрганларга ҳар жиҳатдан кўмак бериш, ижтимоий, моддий ердан кўрсатиш билан шугулланадилар.

Биров бемор, биров кексалик туфайли оёқда юролмайдиган вақти ниҳоятда зик, ишқилиб, кимки нимага муҳтож бўлса, унинг жонига аро кириш, ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиздир. Бировга бозор-ўчарини қилиб бериш керак, овқатини тайёрлаш, кир-чирини ювиш, чўмилтириш, дори-дармон олиб келиш, тиббий ердан кўрсатиш, вақти келганда соғлиқни тиклаш мутахассислари кўригидан ўтказиш, дам олиш уйлари, сийҳаттоҳлар учун йўлланмалар билан таъминлаш, ишқилиб нимагаки зорикки сезилса, барини бажо келтириш вазирамиздир. Ҳозирги кунда қаромогимизда рўйхатга олинган ердан муҳтожларнинг сони 1700 нафар. Ҳамшираларимиз ўзлари яшаб турган ҳудуддаги ерданга муҳтож кишиларнинг шарт-шароитлари, турмушлари қандайлигини беш қўлда билишади. Шунинг учун ҳар жиҳатдан уларнинг мушқулини осон қилиш пайидалар. Байрам маросимларида ҳам совға-салом билан кўнглиларини кўтаришни унутишмайди. Гўшт, қуюқлаштирилган сут, сарнёғ, шакар, унчага ғамлаб, ёзилларини қишда қишлоқларнинг ёзда пухталаб қўйишади. Биргина Косонсой туманида 120 кишининг қишлигига етарли картошка, пилёз, гуруч, ўтин тайёрлаб берилди. Ҳар бир ногирон ва ғамхўрликка муҳтожлар учун ўртача 10 минг сўмдан маблағ сарф қилинди.

— **Кечирасиз, шунча маблағни қаёқдан олиб, сарфлайсизлар! Ё ҳаммаси давлат ҳисобиданми!**

— Йўқ, давлатга оғирлигимиз тушмайди. Ҳар йили ишлаб чиқариш корхоналари, муассасалардан хайрия пули учдирамаиз, хайрия концертлари уюштирамаиз. Бундан ташқари махсус ишлаб чиқариш цехлари, савдо корхоналари ташкил этганми. Бу корхоналарга ишчиларни жалб қилиш билан бирга рўзгорбоб турли буюмлар, кўрпа-тўшак, чойшаб, сочик ва бошқа хил ўй жиҳозларни тайёрлаб сотиш билан

лан ундан тушган даромад ҳисобига режаларимизни амалга оширамаиз. Узимизнинг хўжалик савдо магазинимиз бор. Унда цехларимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотларимиз сотилади. Бундан ташқари 2 та йирик корхонанинг суғурта пулини ҳисобимизга ўтказадиган қилиб қўйганми. Ишқилиб, нолийдиган жойимиз йўқ.

Дарвоқе хоржийий дўст мамлакатлардан мурувват ердами ҳам олиб турамаиз. Бу йил биргина Япониянинг ўзидан дори-дармон, тиббий ердан кўрсатиш ва даволаш асбоб-ускуналари, болалар учун озиқ-овқат келтирилди. Яқингинада Республика Қизил Ярим ой жамияти Марказий Қўмитаси орқали олган 4 тонна шакар, 1 тонна сарнёғ вилоятимиз муҳтожларига бепул тарқатилди. 5,5 минг банка қуюлтирилган сутни ҳоқимиятимиз

раҳбарлари ташаббуси билан олдик. Шахсан ўзим елиб-югуриб вилоят гўшт комбинатидан 200 килограмм миқдорда эллик фоз арзон нарҳда маҳсулот сотиб олиб, бепул тарқатишга эришдик.

— **"Биз-Сиз билан" рўқни остида кўп болали оилаларга ҳар байрам арафасида мурувват ердан уюштирамаиз. Уларини таъмирдан чиқарамаиз. Бу йил ҳам 351 оиланинг мушқулини осон қилиб телефонига тушириб бердик. Бузилган телевизорларини, дазмон ва бошқа ўй жиҳозларини таъмирлашда кўмак кўрсатдик. Беш хонадонни қийим-кечак, кўрпа-тўшак билан бепул таъминладик. 12 та сийҳаттоҳдан йўлланма олиб, бир неча онла аъзолари даволашилларини уюштирдик. Чортоқ туманида табиий офатдан зарар кўрганларнинг ҳар бирига 3 минг сўмдан пул ажратиб, жонларига аро кирдик.**

— **Бу ишларда касаба уюшмаларининг кўмаги қандай бўлаётир!**

— Биз ҳар бир ташаббусни касаба уюшмалари билан ҳамжиҳат, ҳамкорликда амалга оширамаиз. Шахсан касаба уюшмаси қўмита раиси Аҳмаджон Мавлоновнинг уддабурролиги бизга жуда қўл келмоқда. У орқали меҳр-шафқатга муҳтожларнинг рўйхати олинди, махсус жадаввал тузилди. Касаба уюшмаси қарори билан уларнинг яшаш шароитларини ҳам яхшилаб бердик. Жумладан 14 тасининг маошига 30 фозидан ҳақ қўшиб берилмайдиган бўлди, 10 та ҳамширамизнинг эса маоши 10-20 фозга оширилди. 7 тасига моддий ердан кўрсатилди. Хулласи калом касаба уюшмалари ходимларисиз ёлғиз ўзимизнинг қўлимиздан нима келарди дейсиз.

Талай маданий тадбирлар уюштиришда ҳам уларнинг кўмагидан фойдаландик. "Соғлом авлод учун" мавзусида вилоят боғчалари, мактаблар, касалхоналарда ўтказилган илмий семинарлар, спорт мусобақалари мустақиллик байрам кунлари арафасида эса вилоят болалар санъати билан юрти талабалари кучи билан "Спартак" стадионида санъати усталари қатнашувида катта хайрия концерти уюштирилишида ҳам касаба уюшмалари ходимларининг кўмакларини сезиб турдик. Барча туман касаба уюшмалари билан биргаликда етим болалар уйларида танқили ва машҳур ки-



Шиларимиз, санъат усталари, маданият ходимлари билан ўтказган учрашувларимиз ҳам жуда мароқли ўтди.

— **Савоб ва саҳоват кўрсатиб, муҳтожлар жонига аро киришдан буюк мартаба йўқ дунёда. Сизлардан озми-кўпми наф кўриб, қадри эъозланган қари-қаранглар дуон жонларингизни қилиб, шаънингизга тасанно билдираётган бўлса керак, албатта. Ана шу ҳамду саного энг муносибларидан кимларнинг номини айта olasiz?**

— Бизда ишлаётганларнинг деярли ҳамма-ҳаммалари мақтовга сазовор одамлар. Бирорта астойдил жон куйдириб ишламаётган ёки салгина ноҳалолликка йўл қўяётганлари йўқ ичимизда. Биз барча ходимларини дамба-дам кўриқдан ўтказиб, савия ва қобилиятларини синов қилиб турамаиз.

Шу йилнинг октябр ойида қишлоқ жамоаларида яшовчи ҳамшираларимиз семинарини уюштирдик, ўқитдик. Тест орқали синов тадбирлари ва тажриба алмашув бўйича савол-жавоблар оқшоми, ўзаро беллашувлар ўтказдик. Тасаввур қила ол-

сизми, ҳамма-ҳаммалари юксак баҳо олиб, қобилиятларини рўйи рост намойиш эта олдилар. Ҳар бирларининг номларини алоҳида-алоҳида ҳурмат билан тилга олгим келади доим. Чуст, Тўрақўрғон, Чортоқ, Янгиқўрғон туман жамиятларининг бошлиқлари, иккинчи тоифа ҳамшира Дилфуза Лутфуллаева, Эльза Пак, Мухаррам Холмирзаева, Наманган шаҳар бўлимимиздан Вакила Камолова, Хабибулла Файзуллаевларнинг ғайрат шижоатлари ҳақида гапирсанг гапинг тугамайди.

Жойларда болаларнинг яхши тарбия олиши, соғ ва бардам камол топишига бағишланган саломатлик кунлари; слётлар ҳам худди шуларнинг ташаббуси билан амалга оширилди. Уларнинг хомийлигидаги ҳар бир касалхонада оғир беморлар, энг ночор оилалар учун алоҳида махсус хоналар ҳам ташкил қилинган. Масалан, Янгиқўрғон туманида 12, Чуст туманида 12, Наманган туманида 9, Чортоқ туманида 8 хона ишлаб турибди. Вилоят бўйича 715 ўринли 205 хонага алоҳида эътибор кўрсатилиб, аъло даражада муолажа кўрсатиш юзасидан назорат яхши йўлга қўйилган.

— **Шундай хайрия ишларини тун демая, кундуз демая, қор-ёмғир демая амалга ошириш вазирига уларнинг олаётган маошлари ҳам турмуш эҳтиёжларига муносиб бўлса керак ё ундай эмаси!**

— Тўғриси айтсам, унчалик эмас. Бироқ, мени қизил гап қилапти, деб ўйламам. Ҳақиқатини айтман: Улар чиндан ҳам мустақил давлатимиз учун бугунги кунда соғлом авлоднинг ўрни қанчалик ардоқли эканини юракдан ҳис қилиб фидойилик кўрсатиш намуналарини астойдил намойиш этишга киришган одамлар. Бировга яхшилик қилиб, кўнглидаги саҳоват кўрсатиш қанчалик савоб эканлигига яхши тушунадилар. Шунинг учун олаётган маошлари озми-кўпмилиги эсларига ҳам келмайди. Энг муҳими, инсон манфаати, Ватан осойишталиги, тинч-тотув ҳаёт кечирмоқ йўлида фидойилик кўрсатишдан мурод топсалар бас. Бошқа ҳеч қандай шахсий мақсадларни йўқ уларнинг.

Сўхбатдош: Пулот АБДУЛЛАХОНОВ.

# ТАБИАТНИНГ ЎЗИ ШИФОКОР

ҲОЗИРГИ кунда дори-дармонлар танқислиги ҳеч кимга сир эмас. Сийҳат-саломатлигимиз ҳақида ўйлаганда шунга ўхшаш фикрлар хаёлимиздан ўтади.

Касаликка чалинишимизнинг сабаби нимада? Пала-партиш, нотўғри овқатланишимиз, турли хил дори-дармонларни гоҳ билиб, гоҳ билмай истеъмол қилишимиздандир. Теварак-атрофимизга мутлақо бефарқлигимиз ҳам турли касалликларга чалинишимизнинг сабабчиси, десак муболага бўлмас. Умуман, дардга йўлиқтирган табиат, демак: шифони ҳам унинг ўзидан излаш керак.

Ўтган йили октябр ойида Қримда ўтказилган Бутунжаҳон халқ таъобати масалаларига бағишланган Илмий Конгресс инсонни халқ таъобати ердамида даволаш мумкинлигини илмий асослаб, исботлаб берди. Конгрессда Ўзбекистондан "Экология ва медицина" соғломлаштириш бўлими бошлиғи, Халқаро миқёсдаги биотерапевт, биринчи халқ таъобати Конгресси совриндори Шамсутдин Мухитдинович Мухитдинов иштирок этиб, "Халқ таъобати ердамида комплекс даволаш ва соғломлаштириш, доривор гиёҳлардан фойдаланишдаги тажрибалар ва даволаш" мавзусида маъруза қилди.

Шамсутдин Мухитдинович бошчилигида олиб борилаётган "Экология ва медицина" соғломлаштириш марказида фақат танагина эмас, балки инсоннинг руҳий ва жисмоний баркамоллиги инobatга олинади. У олиб бораётган илмий тажрибалар заминида руҳий таъсир кучи билан ички аъзоларни турли чиқиндилардан тозалаш, вужудни бошқарувчи марказларга био-қувват ўтказиш, жароҳат еган умуртқа бўғинларини ўрнига солиш, тананинг касаликка қарши курашиш қобилиятини кучайтириш, томирлар орқали бир текис қон тақсимотини таъминлаш, доривор гиёҳлар ёраида тана аъзоларининг ҳаракат жараёнини тиклаш каби ишлар олиб борилмоқда.

Бу ердаги даволаниш натижаларини беморларнинг фикр-мулоҳазаларидан ҳам билиш мумкин:

— Бир неча йиллардан бери жигарим ва ўт пуфагимдаги оғриқлар безовта қилар, ўзимни жуда оғир ҳис қилар эдим, — дейди Миробод тумани, 8-март кўча, 48-хонадонда истиқомат қилувчи 74 ёшли Гавҳар ая Хабибуллина. — Докторлар жигар ва ўт пуфагини тош бор, операция қилиш керак, дейишди. Мен кўнмадим. Ниҳоят, тақдир шу даргоҳга бошлаб келди. Оёқда зўрға юрардим. Мана, даволаш курсларидан ўтдим. Худога минг қатла шукурки, ичимдаги тошлар ва турли хил заҳарли моддалардан паққос қутилдим. Ҳозир ўзимни яшариб кетган-дек ҳис қилмоқдамэн.

Гавҳар ая сингари шу даргоҳда шифо топанларнинг қалб сўзлари "Таклиф ва мулоҳазалар" дафтарида ёзиб қўйилган. Буларнинг саноғи йўқ. Жумладан, Хоразм вилояти, Хозарасп туманилик Онагул Қўчқорова, тошкентлик Муяссар Каримова, Дилбар Шотурсунова, Маърифат Хидирова, Абдували Ғаниев, Боғот тумани Огаҳий номли жамоа хўжалиги худудида истиқомат қилувчи Зуҳра Нуримова каби ўнлаб миннатдорлик билдирганларнинг номларини ўқийсиз унда.

— Биз асосан касалликнинг ўзини эмас, балки уни келтириб чиқарувчи сабабларини аниқлаб, даволаймиз. Касаллик эса ўз-ўзидан йўқолиб кетади, — дейди марказ бошлиғи Шамсутдин Мухитдинович. — Мен бир нарсани аниқ айта оламан: Жарроҳ тиги-ю, кимёвий, чет эл дори-дармонларидан кўра табиатнинг ўзи инъом-эҳсон қилаётган шифо йўллари минг марта афзалроқдир.

Дарҳақиқат, бу сўзларда жон бор. Инсон табиатни қанчалик севса, у билан тил топа билса ҳеч қандай дард унга ёпишмайди, ғам-ғуссани писанд қилмайди.

Ушбу марказда даволанишни истаганлар қуйидаги манзилга мурожаат этишлари мумкин: Тошкент, Тансиқбоев-3 мавзеси, тел: 29-14-58, 29-98-97, 29-74-61, 40-12-02. Н. МАНСУРОВА.



ИНСОН яшаши учун бу ёруғ дунёда ҳеч кимдан сир бўлмаган икки йўл бор: бири тўғрилиқ, бири эгрилик.

Тўғрилиқни ҳусни саодат, эгриликни умри касофат, дейдилар.

Тўғрилиқнинг шарофати ҳам, эгриликнинг бало-офати ҳам ҳар нафас, ҳар қадам, ҳар бир саъй-ҳаракатда намоён бўлиб туради. Мана, оддий воқеа: яхши ният билан сафарга чиққан одам тўғри йўлдан юрса манзилга адашмай етади, эгри йўлга тушиб қолса овора-ю сарсон. Йўловчининг манзилга интилишини инсон ўз умр йўлини қай йўсин ўтказатганига, яъни, тўғри яшаётгани еки эгри йўлдан бораётганига, қиёсласак, одам зотига ҳаётда бир марта эҳсон-инъом этиладиган азиз умр гоят бебаҳо неъмат эканлигига ва у ҳақда чуқур фикр-мулоҳаза қилишимиз зарурлигига имон келтирамиз.

Инсонга ато этилган умрни дунёда энг севган нарсаларимиздан ҳам аъло даражада севиб-ардоқлашимиз керакки, унинг азизлиги ва мўътабарлиги тўғрилиқ шарофатидан яна минг қарра зиёда бўлгусидир. Зеро, одам боласи туғилгандан бошлаб умр кечирришга отланиб, сўнгги манзилга кузатилгунча синов йўлларини босиб бораверади. Тўғри йўл унга бу ёруғ дунёда бахт-саодатнинг шундайин ажойиб неъмат-бойликларини кетмас ва туганмас тариқа инсор қиладики, бу ҳалол ризқи-рўз учун инсон қалбидан “Алҳамду лиллоҳ”, яъни шукроналик калимаси қайнар булоқдай отилиб чиқиб туради.

Тўғри йўл икки дунё саодатига мушарраф этади, дейишди уламолар. Муқаддас оят-ҳадисларда: “Инсон бу дунёда ҳам, охирада ҳам роҳат-фароғатга лойиқ, у азизу мукаррам зотдир”, дейилган. Қуръони каримнинг “Фотиҳа” сурасидаги “Бизни тўғри йўлга бошлагин” (“Иҳдинас сиротал мустақим”) ояти ҳам рушду ҳидоятга — ҳақ йўлга ундайди. Инсон азизу мукаррам бўлиб икки дунё саодатига эришмоғи учун азалдан ҳамма оми-лу неъматлар бадастир этиб қўйилган, улар жуда кўп, омилга амал қилинса бас, яхши неки ният дилдан сўралса, ҳаммаси мустажоб бўлади, бунга фақат тўғрилиқ билан эришилади.

Одамзотда энг буюк неъмат — ақл неъмат. У нафсу шаҳватни ҳам жиловлаб, тўғри йўлга сола оладиган даражада қувватлидир, шундай ақлнинг соҳиби бўлган инсон комиллик мақомига етишади, лекин одамнинг нафсу шаҳвати ақлидан ғолиб келиб эгри йўлга солиб юборса, бундай банд ҳайвоний тубанликка юз тутаяди ва азим гуноҳларга ботади.

Ҳаёт шунақа. Инсон боласининг кечирадиган бутун умри қаршисидан рушду ҳидоятли тўғрилиқ ва касофатли эгрилик кўндаланг туради.

Хўш тўғрилиқ нима? Тўғрилиқнинг фазилати, барокати, файзи-таровати, ибрат-ҳикмати қандай?

Тўғрилиқ — покликнинг онасидир. Қалбида тўғрилиқ бўлган одам ҳеч завол кўрмай камол топади. Она ҳеч қачон фарзандига ёмонликни раво кўрмаганидек, тўғрилиқ ҳислати ҳам одамни хиенат йўлига йўлатмайди, хоксор бўлиб, пок яшашига ундайди. ҳатто нафси амора, яъни ўткир ва ғолиб нафс хуруж қилганда ҳам тўғрилиқ ақл билан бирлашиб, одамни бу шиддатли нафсга нисбатан такаллуфсиз бўлишга ва ўзини тийишга мажбур қила олади. Мақолда “Нафсани тийган султон, нафсини тиймаган ултоғ” дейилмаганими?

Тўғрилиқ инсон умрининг роҳат-фароғати. Тўғри одам хавф-хатарсиз, гам-ташвишсиз, фалса-есойишта яшайди, чунки унинг

иши тўғри, топган-тутгани ҳалол, покиза меҳнатидан хурсанд, кўнгли тўқ, қинғир-қийишқ иши йўқ! Ҳаётда тўғри сўзга ишонади, ҳақиқатни ҳушёр аниқлаб тўғри кўради, чоим пок йўлга юради, гапирувчини холисанилло тўғри эшитади, тўғри сўзни айтади, ҳақ-адолат йўлида собит туради. Буюк тожик шоири Абдурахмон Жомий булар ҳақида шундай байт айтган:

Тўғрини де, тўғрини кўр, тўғри юр,  
Тўғри эшит, тўғри гапир, тўғри тур.

Чунки одам тўғри бўлса, ҳар қандай тухмат-балодан, кулфат-офатдан қутилиб, мурод-мақсадига эришади. Камолитдин Биний буни чиройли ифодалайди:

Тўғри ҳар офатдан қутулиб кетар,  
Масал бор: “Тўғрилиқ мақсадга етар!”

Носир Хисрав дилни тўғри тутишни уқтириб, бу фазилат мақсадга етказишни айтади:

Дилингни тўғри қил, тўғрилиқ нетар,  
Тўғрилиқ тўп-тўғри мақсадга етар!

Ҳаётда тўғри йўл тутиб яшаганлар шодликка эришадилар, эгрилар эса бу неъматга муяссар бўлолмайдилар. Абу Абдулло Рудакий айтади:

## УМР ФАЗИЛАТИ

ҳар кимки тўғридир шодликка етди,  
Кимки эгри бўлса столмай кетди.

Тўғрилиқ ҳеч бир балога учрамайди, адил ва тик ўсадиган сарв дарахти қургандан ҳам оловга ёқилмайди, тўғрилиқдан ҳассага айланиб, қўлда кўтариб юрилади, эъзоз топади. Мавлоно Сайидо Насафий дейди:

Тўғрилиқ учрамас ҳечам балога,  
Сарв қуриса ҳам ярар асога.

Тўғрилиқ ҳислат-фазилатини буюк ўзбек шоири ва мутафаккири Зайниддин Восифий араб ҳарфларининг шакли-шамойилидан келиб чиқиб бундай таърифи этади:

Тўғрилиқдан “алиф” ўрни “жон” устида,  
Эгриликдан “вов” ҳамиша “хун” устида.

Халқ озаки ижодида арабча “алиф” ҳарфи тўғри чизик бўлиб, “Нун” ҳарфи эса ярим доира (эгри) эканлиги назарда тутилиб, тўғрилиқ ва эгрилик сифати мажозий маънода бундай ифодаланган:

Лом-алифдек тўғри бўлсанг  
ҳеч бало йўқдир сенга,  
Нун-алифдек эгри бўлсанг  
ҳар бало ўқдир сенга.

Одам ҳаётининг мазмуни тўғрилиқ зийнати билан безанади. ҳеч бир ҳислат-фазилат тўғрилиқдан юқори ўрин ололмайди. Тўғрилиқ йўлида юрган одам ориятли, диёнатли, собит қадам, сабр-қаноатли, иродали, иймон-этиқодли, мард-жасур бўлади, бу ҳислатлар уни адолат йўлида ҳар қачон ҳимоя қиладики, унга ҳеч қандай зиён-заҳмат етмайди. Тўғри одамга ноҳақ тухмат қилган ҳар қандай ғофил банд ҳақ йўлида қарор топиши билан ҳижолатда қолиб тўғри ўсаётган дарахт қаршисидан қийшайиб турган таёқдек эгилиб, хунук ҳолатга тушади, чунки ҳамма жойда ва ҳар қачон тўғрилиқ ўзининг поклиги ва ҳақлиги билан ғолиб чиқади.

Тўғрилиқ шу қадар буюк кучки, ундан бутун эл-юртнинг ҳаёти типчилик-фаровонлик топади, орзу-умидларга ҳам фақат тўғрилиқ билан эришилади. Ҳар қандай мушкулотларга тўғрилиқ нажот йўлини топиб беради, дейишади алломалар.

Инсон ҳаётининг ҳислат-фазилатларини табиатдаги ҳолатларга мослаб кўрсак, айнан ўхшашликларни кўраимиз: она табиатда тўғри ўсган ниҳол гул бўлишини, эгри ўсган шох-шабба қирқилиб оловда ениб, кул бўлишини ҳам тўғрилиқ ва эгрилик сифатига қиёс этиб, ибрат чиқаришимиз мумкин. Чўпоннинг тўғри тағи миғиллаб қўйларни эгри йўлдан қайтариб, тўғри йўлга солиб қўяди, уларни жарликка тушиб кетиш фалокатидан асрайди, яна бу таёқ чўпоннинг белига қувват, суянса ҳассадек таърич, йиртқиқлар ҳужум қилиб қолса қароли офат бўлиб хизмат қилади, тўғрилиги учун бу таёқ чўпон қўлида эъзоз тошган.

Тўғрилиқнинг шарофати ҳақида она таби-

атдан мажозий маънода олинган бир воқеий ҳикоят бор. Нақл қилинишчи, дунёга донғи кетган бир подшоҳ ўз пойтахт шаҳрида чиройли ва гоят ҳашаматли сарой қуришни ният қилади, шу саройнинг ўртасига тўғри ва тик ўсган дарахтни устун қилиб қўймоқчи бўладилар, лекин бундай адил дарахтни топиш осон кечмайди, усталар бутун мамлакатни қидириб-излаб, кўп оворатарчиликдан кейин бир қари кампирнинг ҳовлисида шундай дарахт ўсиб турганини кўрадилар. Подшоҳ бева-бечора кампирга кўп совға-инъомлар бериб, розилиги билан дарахтни кесиб келтиради. Усталар сарвдек адиқомат дарахтни меҳр билан пардозлаб, нақшлар солиб, зарҳалу дурлар билан безаб сарой ўртасига ўрнатадилар. Ҳашаматли сарой битиши билан ҳар томондан одамлар уни кўргани келиб, бутун саройни қомати билан кўтариб турган нақшинкор устунга ҳайратда ёқаларини ушлаб тикилиб қоладилар. Зиёратга келган кампир ҳам ўз дарахтининг кўрки-салобатини ва заррин нақшлар билан безатилиб, гоят гўзал устун бўлиб турганини кўради-ю, ҳаяжонлангандан кўзига еш олади-да, бора устунни кучоқлаб мана бу дил

қулай йўлни, балиқдек дум ликиллаб олиб кетишни, айёрликни кўзлайдилар. Бундай баднафс банди нокаслар тўғри йўлнинг бир умрлик роҳатини эгри йўлнинг омонат фароғати учун “баҳосиз пулга” сотиб юборадилар.

Сир эмаски, эгриликдан ҳеч қачон тўғрилиқ пайдо бўлмайди. Эгрилик ҳаёт нафосатини бузади. Эгри оёқ тўғри пойафзални қийшайтиради. Кўз қорачуғи эгри бўлса, Навоий бобомиз айтганларидек: “Бирни икки кўрмак эрур санъати” бўлади, тўғрини нотўғри кўрсатади.

Эгри кўнгилда ҳеч қачон яхши ният бўлмайди. Нияти ёмоннинг мақсад йўли эгриликдир, бунга мисол илондир. Навоий бобомиз: “Заҳар солмоқ эмиш касби илоннинг” деганларидек, илоннинг нияти доим ёмон, шунинг учун юриши ҳам эгри-бугри, ҳатто уйқуда ҳам буралиб, ҳалқа-ҳалқа тарзда, доира шаклида “кулча” бўлиб ётади, зиён-заҳмат етказмоқчи бўлса ҳам эгри ҳаракат билан отилади. Эгриликнинг касофати совуқ-маҳлуқ — чаёнда ҳам кўринади, захри қотил ниши эгри (гажак) думининг ўчида ёй шаклида бўлади. Дилозор ва забони аччиқ

кимсадан озор топган мўмин-қобил кишилар шунинг учун: “Фалончи мени чаёндек қақди”, “Фалончи менга илондек захрини сочди” деб арз-нола қиладилар. Дили эгриларнинг тилида ҳалокат заҳари йиғилиб туради, покдил одамни сўз захри билан озорлаб, яна қувонч билан: “Бопладим!” деб қўяди. Лекин эгри дилга ҳам боққан бало борлигини, қирқ соатда қайтмаса ҳам узоғи билан қирқ йилда қайтишини, айниқса, у дунёда ас-фаласофилнинг, дўзахнинг энг чуқур, қаттиқ оташгоҳига кетишини ҳеч хаёлига келтирмайди.

Одамларни севмоқ ва севишмоқ тўғрилиқнинг энг гўзал ҳислат-фазилатидир. Ҳар кимдан бир иллат қидиравериш ҳам кишини эгрилик йўлига киритади. Ота-боболаримиз ҳикматида: “Тўғридан қинғир қидирма, қинғирдан тўғри қидир!” деб бежиз айтилмаган. Ҳамма бирор кичик нуқсонни учун дилдан четлатилверса, инсонга ҳамқору ҳамнафас, ҳамдаму ҳамдард дўсту ер қолмайди. Тўғриларга эргашиб, тўғри юрганлар муродига етади, бундай одамларнинг қалби зилол чашмадек покиза бўлади.

Қалб покизалиги ҳақида шундай бир ривоят бор: Эмишкни, бир фосиқ киши дала йўлида кета туриб фариштага учраб қолибди. Бундай қараса, фаришта шунақанги ҳурилик, озода, покиза эмишкни, вужудидан таралаётган нурдан кўз қамашармиш. Бунга ҳасади келган киши сўради:

- Сен кимсан?
- Фариштаман.
- Нимадан яралгансан?
- Нурдан.
- Илтимос, — дебди одам, — бир ниятим бор, айтсам бажарасанми?

— Айт! — дебди фаришта.  
— Мен ҳам сенга ўхшаб вужудимдан нур таралиб туришини истайман.

— Яхши, — дебди фаришта қулиб, — бунинг учун шу дам, шу нафасдан бошлаб бирор ёмон ният қилмаслигинг, ҳатто хаёлингдан ёмон фикрларни ўтказмаслигинг керак, шунда ниятинг мустажоб бўлади.

Шу пайт фосиқ одамнинг хаёлидан: “Фариштани бир кучоқлаб ўпаман” деган фикр ўтибди. Фаришта буни дарҳол сезиб дебди:

— Эй одамзот, ҳозир хаёлингдан ёмон фикр ўтди, а?

Фариштанинг ниҳоятда ҳушёрлигини билган одам лол қолиб дебди:

— Ҳа, нима қилай, иложсизман, хаёлимга турли бўлмағур фикрлар ўзи келаверади-да, ундан қандай қутиламан?..

— Сеннинг ноқислигинг ана шунда, — дебди фаришта, — қалбингда эгрилик иллати бор, тўғрилиқ йўлида юрсанг қалбинг покланиб, ёмон фикрларни ўйлашдан қутилсан, ниятинг пок бўлади.

Фаришта шундай маслаҳат бериб, зумда кўздан ғойиб бўлибди, одам эса тўғрилиқ йўлини излаб кетаверибди.

Қиссадан ҳисса:

Тўғриликдан ҳар ким топар саодат.  
Эгриликдан бошга тушар фалокат.  
Тўғриликдир икки дунё роҳати,  
Эгриликдир азиз умринг офати!

Тўлқин РАСУЛЕВ,  
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган  
журналист.

ДЕКАБРЬ

19 ДУШАНБА

ЎзТВ I

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви. 18.10 "Ислоҳот ва масъулият". 18.40 "Барака мезони". 18.55 Ёшлар. 19.00 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 19.20 Ёшлар. 19.25 "Чемпион билан учрашув". Алишер Авезбоев. 19.40 "Кўшиқларим сизга армуғон". Дониер Тошмухамедов куйлайди. 20.10 Оқшом эртаклари. 20.25 Ёшлар. 20.30 "Ўзбекистон" ахбороти. 20.55 Ёшлар. 21.00 "Юрт ҳақида кўшиқ". 21.45 Фафур Гулом. "Шум бола". Ҳамза номидаги Ўзбек Давлат академик драма театрининг спектакли. 23.25 - 23.50 "Ўзбекистон" ахбороти.

ЎзТВ II

"Тошкент" студияси таништиради: 18.30 Болалар учун. "Кўзунчоқ". 19.00 "Йўлингиз бехатар бўлсин!". 19.30 "Бу бўстон аро...". 20.05 "Шифокор билан мулоқот". 20.40 - 22.05 "Зомби" варианты". Бадий фильм.

ЎзТВ III

18.10 - 19.40 Туркия телевидениеси. 19.40 "Мульткарусель". 19.50 Бево-сита мулоқот.

"ОМАД" таништиради:

20.30 "Совға". 21.00 "4/8". Мусиқий кўрсатув. 21.15 "Таҳлил". 21.25 Ёшлар. 21.30 Видео-"О". 23.05 Ёшлар. 23.10 "Курьер". 23.30 "... Яна об-ҳаво ҳақида". 23.40 "Кама-лак". 24.00 - 00.10 "Постфактум".

"ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ

18.00 Иқтисод ва ислоҳотлар. 18.30 "СБ" жумбоғи". 18.45 "Ким аслида ким?". XX аср. Р. Дуано. 18.50 Янгиликлар. 19.00 "Тигиз пайт". 19.25 "Шаддод Роза". Телесериал (Мексика). 19.55 "Агар...". Кўрсатуви В. Познер олиб боради. 20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар! 21.00 Янгиликлар. 21.40 А. И. Солженицин билан учрашув. 22.00 "Едингдами, ўртоқ...". 22.30 - 23.50 "Ухлаётган полициячини уйғотманг". Бадий фильм.

20 СЕШАНБА

ЎзТВ I

7.00 - 9.00 "Ассалом, Ўзбекистон!". Тонгги дам олиш кўрсатуви.

9.00 "Қимматли бола". Бадий фильм. 10.20 "Агат". Телефильм. 10.30 Ўқув кўрсатуви. География. 11.00 Қўл түпи бўйича Ўзбекистон кубоғи. 11.30 Ўқув кўрсатуви. Физика. 12.00 "Ешлик" студияси. "Эзгуликка интилиб". 12.45 Немис тили. 13.05 - 14.35 "Нурли келажак". Видеоканал.

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви. 18.10 "Кичкинтой" студияси. "Гўзал рақса тушади". 18.40 "Демократик ўзгаришлар йўлидан". 18.55 Ёшлар. 19.00 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 19.20 Ёшлар. 19.25 Қориекубов номидаги Ўзбек Давлат филармонияси "Зарафшон" фольклор ансамблининг янги дастури. 20.05 Спорт хабарномаси. 20.10 Оқшом эртаклари. 20.25 Ёшлар. 20.30 "Ўзбекистон" ахбороти. 20.55 Ёшлар. 21.00 "Ҳақ ледим, эл ичра топдим салтанат". 22.20 "Тиниб-тинчимас қариялар". Бадий фильм. 23.35 - 24.00 "Ўзбекистон" ахбороти.

"ОМАД" таништиради:

18.30 "Мультфейерверк". 19.15 "Хусусийлаштириш: қадам-бақадам". 19.35 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва Ёшлар. 20.00 "Видеогид". 20.20 "Теле-ателье - шоу". 20.30 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва Ёшлар. 21.10 - 22.40 "Кинонигоҳ".

ЎзТВ II

18.30 "Омад" тақвими. 18.35 "Жозоба". 18.55 "Бир шингил хангома". 19.05 "Тумор". 19.15 "Муҳаббатта ошно қалблар". 19.35 "Теле-ателье-шоу". 19.45 Видео янгиликлари. 20.10 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва Ёшлар. 20.50 - 22.50 "Кинонигоҳ".

ЎзТВ III

18.10 - 19.40 Туркия телевидениеси. 19.40 "Мульткарусель". 19.50 "Ешлик" студияси. "Садо". 20.20 "Тараққиёт йўлидан".

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

20.45 "Уорлднет" телекомпаниясининг янгиликлари. 21.05 "Дурдаршн" телекомпаниясининг кўрсатувлари. 22.05 "Би-Би-Си" янгиликлари. 22.20 "Интерпартнер". "Н. Г. М. К. - СТЕЛИУМ". 22.55 "Бу ажиб дунё". 23.10 - 23.25 "Табиятда емон об-ҳаво бўлмайди...". "Дуканг" гидрометеостанциясидан репортаж.

"ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ

6.30 - 9.00 "Тонг...". 18.00 "Вазият". 18.25 "Севги ҳақида кўшиқлар". Иосиф Кобзон куйлайди.

18.50 Янгиликлар. 19.00 "Тигиз пайт". 19.25 "Гол". 19.55 "Мавзу". 20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар! 21.00 Янгиликлар. 21.40 "Илк манбадан". 21.55 - 23.25 "Бизга ҳали ҳам кулгилик эмас...". Москва Сатира театрининг 70 йиллигига.

21 ЧОРШАНБА

ЎзТВ I

7.00 - 9.00 "Ассалом, Ўзбекистон!". Тонгги дам олиш кўрсатуви.

9.00 "Беринг ва унинг дўстлари ҳақида". Бадий фильм. 10.30 Ўқув кўрсатуви. Математика. 11.00 "Янги китоблар". 11.30 Ўқув кўрсатуви. Физика. 12.00 "Ешлик" студияси. "Талабалик йилларим". 12.45 - 13.15 "Алифбо сабоқлари".

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви. 18.10 "Бозор иқтисодиети сабоқлари". 18.25 "Ҳайратларга дахлдор шаҳар". 18.55 Ёшлар. 19.00 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 19.20 Ёшлар. 19.25 Ўзбекистон Давлат телерадиокомпанияси эстрада жамоасининг ҳисобот концерти. 20.10 Оқшом эртаклари. 20.25 Ёшлар. 20.30 "Ўзбекистон" ахбороти. 20.55 Ёшлар. 21.00 "Ҳамкасблар". 21.30 Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Муяссар Раззокова куйлайди. 21.50 "Европа воқеаси". Бадий фильм. 23.20 - 23.45 "Ўзбекистон" ахбороти.

ЎзТВ II

"Тошкент" студияси таништиради: 18.30 "Шоҳсуна сари". 19.00 "Мактабда байрам". 19.35 "Нурли хотиралар". 20.35 "Мусиқий меҳмонхона". 21.35 - 22.35 "Тошкент оқшомида".

ЎзТВ III

18.10 - 19.40 Туркия телевидениеси.

19.40 "Мульткарусель". 19.50 "Гул кўп, чаман кўп". 20.10 Телефильм. 20.25 "Санга-Барбара". Телевизион бадий фильм. 21.15 - 00.15 "ОМАД" таништиради: "Қитъа спорти".

"ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ

6.30 - 9.00 "Тонг...".

18.00 Эфирда - Давлатлараро "Мир" телерадиокомпанияси. 18.45 "Ким аслида ким?". XX аср. И. Гиллан. 18.50 Янгиликлар. 19.05 "Пушқинга бағишланади...". 19.30 "Шаддод Роза". Телесериал. 19.55 "Кинопанорама". 20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар! 21.00 Янгиликлар. 21.40 "Монолоқ". 21.50 - 23.30 "Тирикларни чорлаймиз". Ғалабаинг 50 йиллигига. "Иккинчи бор туғилган". Бадий фильм ("Мосфильм", 1983 й.).

22 ПАЙШАНБА

ЎзТВ I

7.00 - 9.00 "Ассалом, Ўзбекистон!". Тонгги дам олиш кўрсатуви.

9.00 "Малина вноси". Бадий фильм. 10.30 Ўқув кўрсатуви. Ўзбекистон халқлари тарихи. 11.00 "Кичкинтой" устахонаси. 11.30 "Фан ва ишлаб чиқариш". 12.00 Эркин кураш бўйича Халқаро турнир. 12.25 - 13.05 "Ғазалхон ешлигим".

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви. 18.10 "Сихат-саломатлик". 18.35 "Қишлоб масъулияти". 18.55 Ёшлар. 19.00 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 19.20 Ёшлар. 19.25 "Ўзингиз эр билсанг". 20.10 Оқшом эртаклари. 20.25 Ёшлар. 20.30 "Ўзбекистон" ахбороти. 20.55 Ёшлар. 21.00 Олтириқ наволари. 21.40 Телевизион театр почтаси. 22.40 - 23.05 "Ўзбекистон" ахбороти.

ЎзТВ II

"ОМАД" таништиради: 18.30 "Омад" тақвими. 18.35 "Жозоба". 18.55 "Бир шингил хангома". 19.05 "Тумор". 19.15 "Муҳаббатта ошно қалблар". 19.35 "Теле-ателье-шоу". 19.45 Видео янгиликлари. 20.10 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва Ёшлар. 20.50 - 22.50 "Кинонигоҳ".

ЎзТВ III

18.10 - 19.40 Туркия телевидениеси. 19.40 "Мульткарусель". 19.50 "Хусусийлаштиришнинг янги йўналишлари".

20.15 "Санга-Барбара". Телевизион бадий фильм. 21.05 "Ҳазинамиз таъничи".

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

21.35 "Уорлднет" телекомпаниясининг янгиликлари. 21.55 - 22.55 "Дурдаршн" телекомпаниясининг

кўрсатувлари. "ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ 6.30 - 9.00 "Тонг...".

18.00 "...16 ешгача ва ундан катталар". 18.30 "Инсон ва қонун". 18.45 "Ким аслида ким?". XX аср. А. Макаренко. 18.50 Янгиликлар. 19.00 "Тигиз пайт". 19.30 "Шаддод Роза". Телесериал. 19.55 "Эслаб, излаб...". Л. Филатовнинг муаллифлик кўрсатуви. 20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар! 21.00 Янгиликлар. 21.40 "Москва. Кремль". 22.00 - 23.30 "Василий Суриков". Бадий фильм.

23 ЖУМА

ЎзТВ I

7.00 - 9.00 "Ассалом, Ўзбекистон!". Тонгги дам олиш кўрсатуви.

9.00 "Улар ўн тўққиз ешда эдилар". Бадий фильм. 10.10 Немис тили. 10.30 "Гулдаста". Болалар учун концерт. 11.00 "Ўзбек давлатчилиги тарихи". 11.30 "Қувноқ стартлар". 12.45 "Мусиқий дақиқалар". Ўзбекистон халқ артисти Абдуҳошим Исмоилов чалади. 13.05 - 14.35 "Синнов даври". Видеоканал.

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви. 18.10 Ўсмирлар учун. "Ўлғайиш поғоналари". 18.45 Демократик сайловлар сари. 18.55 Ёшлар. 19.00 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 19.20 Ёшлар. 19.25 "Истиқлол адабиети". 20.10 Оқшом эртаклари. 20.25 Ёшлар. 20.30 "Ўзбекистон" ахбороти. 20.55 Ёшлар. 21.00 Демократик сайловлар сари. 21.10 "Маърифатнома". 21.40 "Ҳофизлар хониш қилганда". 22.20 "Нодирабегим". Бадий фильм. 23.45 - 00.10 "Ўзбекистон" ахбороти.

ЎзТВ II

"Тошкент" студияси таништиради: 18.30 Болалар учун. "Учқун". 19.00 "02" тўлкинида. 19.25 "Саховатли бўлай десангиз". 19.55 "Билиб қўйган яхши". 20.20 - 21.10 "Маънавият гулшани".

ЎзТВ III

18.10 - 19.40 Туркия телевидениеси.

19.40 "Мульткарусель". 19.50 "Санга-Барбара". Телевизион бадий фильм.

"ОМАД" таништиради:

20.40 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва Ёшлар. 21.10 Ёшлар. 21.20 "Даракчи". 21.30 Ёшлар. 21.35 - 23.20 Видео-"О".

"ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ

6.30 - 9.00 "Тонг...".

18.00 "Инсон ва қонун". 18.30 "Россия тароналари". 18.45 "Ким аслида ким?". XX аср. Э. Бурдель. 18.50 Янгиликлар. 19.00 "Бомонд". 19.20 "Шаддод Роза". Телесериал. 19.50 "Мўжизалар майдони". 20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар! 21.00 Янгиликлар. 21.40 "Ҳафтанинг машҳур кишиси". 22.00 - 23.25 "Детективлар клуби"да. "Мажбурий қотил". Бадий фильм ("Ўзбекфильм", 1990 й.).

24 ШАНБА

ЎзТВ I

7.00 - 9.00 "Ассалом, Ўзбекистон!". Тонгги дам олиш кўрсатуви.

9.00 "Футбол майдонларида". 9.45 "Танишинг: Тошкент" рақс гуруҳи". 10.10 "Ўқитувчи - 94" кўрик-танлов. 11.30 "Ешлик" студияси. "Армонли дунё". 12.20 Болалар учун. "Қўшигим, жон қўшигим". 12.55 "Ўзбектефильм": "Муаммо ва излашчилар". 13.40 "Ижод саҳифалари". Самар Нуров. 14.40 - 15.15 Ўзбекистон Давлат телерадиокомпанияси камер оркестрининг ҳисобот концерти.

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 Ўсмирлар учун. "Ўйла! Исла! Топ!". 18.55 Ёшлар. 19.00 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). 19.20 Ёшлар. 19.25 "Ботма, куеш". 20.00 Демократик сайловлар сари. 20.10 Оқшом эртаклари. 20.25 Ёшлар. 20.30 "Ўзбекистон" ахбороти. 20.55 Ёшлар. 21.00 Демократик сайловлар сари. 21.30 Сайловчилар учун концерт. 22.10 "Тунги ерду". Дам олиш кинодастури.

ЎзТВ II

"ОМАД" таништиради: 9.00 "Мультфейерверк". 9.45 Хусусийлаштириш: қадам-бақадам". 10.05 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва Ёшлар. 10.30 "Видеогид". 10.50 "Теле-ателье-шоу". 11.00 "Эм-Ти-Ви"

оҳанглари ва Ёшлар. 11.40 "Кинонигоҳ". 13.20 "Омад" тақвими. 13.25 "Жозоба". 13.45 "Бир шингил хангома". 13.55 "Тумор". 14.05 "Муҳаббатта ошно қалблар". 14.25 "Теле-ателье-шоу". 14.35 Видео янгиликлари. 15.00 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва Ёшлар. 15.40 - 17.00 "Кинонигоҳ".

"Тошкент" студияси таништиради: 18.30 Болалар учун. "Табассум". 19.10 "Пульс". Хабарлар. 19.25 "Эсдалик учун дастхат". 19.55 "Кичик дебют". 20.25 - 21.55 "Кинематограф".

ЎзТВ III

10.00 "Вернисаж". 10.25 "Келинг, танишайлик". Бирлашган Араб Амирликлари. 10.45 - 11.50 "Олтин миана". Телевизион бадий фильм. 1-серия.

18.10 - 19.40 Туркия телевидениеси.

19.40 "Мульткарусель". 19.50 "Фан уфклари".

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

20.20 "Мамлакатлар, воқеалар, одамлар". 20.45 "Ширу шакар". Шоира Нодирага бағишланади. 21.30 "Ғалаба дастхатлари". 22.00 "Би-Би-Си" янгиликлари. 22.15 "Колумб кашф этган дийр". Америка пахтаси. 23.05 - 23.20 "Си-Эн-Эн" янгиликлари.

"ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ

17.25 "Ушангача ва ундан сўнг...". Кўрсатувни В. Молчанов олиб боради. 18.15 "Бу ҳаммаси беҳуда оворатарчилик". Бадий фильм (АҚШ. "Колумбия пикчерс"). 20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар! 21.00 Янгиликлар. 21.45 - 22.50 "Нима? Қерда? Қачон?".

25 ЯКШАНБА

ЎзТВ I

7.00-9.00 "Ассалом, Ўзбекистон!". Тонгги дам олиш кўрсатуви.

9.00 Экран куйлари. 9.35 "Ватан туйғуси". 10.00 "Ешлик" студияси. "Ватанимга хизмат қиламан". 10.30 "Бинафшаранг шар". Бадий фильм. 11.45 Бир жуфт кўшиқ. 12.00 "Ахборот". Сайлов кундалиги. 12.15 "Қишлоқ ҳаёти". 13.05 Болалар учун. "Дилдан куйлаб, ўйна кувнаб". 13.35 "Шохруҳ" клуби. 14.05 "Аҳмаджон Дадаев куйлайди". Фильм-концерт. 14.35 "Қуёшдан нур эмган юрт". Адабий композиция. 15.00 Сайлов участкасидан репортаж. 15.20 - 15.30 Бир жуфт кўшиқ.

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви. 18.10 "Қиз ва қуенчалар". Мультфильм. 18.20 "Фарзанд - умид юлдузи". 18.55 Ёшлар. 19.00 "Ҳафтанома" (рус тилида). 19.30 Ёшлар. 19.35 "Ойнаи жаҳонда...". 19.55 "Мақом, мақом, мақом...". Концерт. 20.25 Ёшлар. 20.30 "Ҳафтанома". 21.00 Ёшлар. 21.05 Ўзбекистон Давлат телерадиокомпанияси дуторчилар ансамблининг ҳисобот концерти. 21.50 "Мақаллада дув-дув гап". Бадий фильм. 23.10 - 23.40 "Ҳафтанома".

ЎзТВ II

"ОМАД" таништиради: 17.00 "Совға". 17.30 "4/8". Мусиқий кўрсатув. 17.50 "Таҳлил". 18.00 Ёшлар. 18.05 Видео-"О". 19.50 Ёшлар. 19.55 "Курьер". 20.25 "Об-ҳаво ҳақида". 20.35 "Постфактум". 20.45 "Кимга қанақа?". 21.15 "Ҳамкорлик ришталари". 21.45 Ёшлар. 21.50 "Даракчи". 22.00 - 23.30 Видео-"О".

ЎзТВ III

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ 10.00 "Жонли сайера". 10.25 "Ташрифлар ва таклифлар". 10.50 - 12.00 "Олтин миана". Телевизион бадий фильм. 2-серия.

18.10 - 19.40 Туркия телевидениеси.

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

19.40 "Мамлакатлар, воқеалар, одамлар". 20.05 "Бугун - Сайловлар кунин". 20.35 "Би-Би-Си" янгиликлари. 20.45 "Дурдаршн" телекомпаниясининг кўрсатувлари. 21.45 "Дунё эшиги". 22.25 - 22.35 "Си-Эн-Эн" янгиликлари.

"ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ

18.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан). 18.10 "Баскетбол жавабаси". "Ҳақиқий ажина оловчилар". Мультфильмлар (АҚШ). 19.05 "Хунарли хор бўлмайди". 19.10 Бутун Россия. "Салом!". 19.50 Ален Делон "Бўйсунмас" бадий фильмнда (Франция, 1982 й.). 22.00 - 22.50 "Якшанба". Ахборот-публицистик кўрсатуви.

"Тошкентдан гапирмиш ва кўрсатмиш" дастуридан.

Собир Соипович ЮСУПОВ



Республикамиздаги жисмоний тарбия-спорт ҳаракати оғир жудолликка учради. Ўзбекистон Республикаси халқ маорифи аълочиси, касба уюшмалари "Ўзбекистон" жисмоний тарбия ва спорт жамяти Марказий Кенгаши Республика "Пахтакор" жисмоний тарбия-соғломлаштириш клуби директори Собир Соипович Юсупов 55 ёшида тўсатдан вафот этди.

Собир Соипович 1940 йилда Тошкент туманида таваллуд топди. 1961 йили Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия институтини тугаллаб Калинин тумани "Пахтакор" кўнгилли спорт жамяти кенгашида йўриқчи лавозимдан фаолият бошлади. Сўнг "Пахтакор" кўнгилли спорт жамяти Тошкент вилоят Кенгаши раиси, "Еш куч" вилоят кенгаши раисининг биринчи муовинлигига сайланади. 1989 йилдан то умрининг охиригача Республика "Пахтакор" жисмоний тарбия-соғломлаштириш клубида хизмат қилди.

С. С. Юсупов малакали мутахассис, яхши ташаббускорлиги, ўзига ва бошқаларга талабчанлик фазилатлари билан омманинг ҳурматини қозонган, қишлоқда оммавий жисмоний тарбия ва спорт-соғломлаштириш ишларини ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшган жонқуяр инсон эди.

С. С. Юсуповнинг порлоқ хотираси унинг энг яқин дўстлари ва биродарлари қалбига абадий сақланади.

Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, "Ўзбекистон" жисмоний тарбия ва спорт жамяти Марказий Кенгаши, Аграрно-мажмуи ходимлари касба уюшмалари Марказий Кўмитаси, Республика "Пахтакор" жисмоний тарбия-соғломлаштириш клуби ход

## ОБУНА 25 ДЕКАБРГАЧА ДАВОМ ЭТАДИ

### ҲУРМАТЛИ ГАЗЕТХОНЛАР, КАСАБА УЮШМАСИ ФАОЛЛАРИ!

"Ишонч" ва "Ишонч-Доверие"  
газеталарига 1995 йил учун обуна давом  
этмоқда.

"ИШОНЧ"НИНГ ФУҚАРОЛАР УЧУН ЯККА  
ТАРТИБДАГИ ЙИЛЛИК ОБУНА БАҲОСИ -  
97 сўм 20 тийин (нашр кўрсаткичи 64560).

"ИШОНЧ-ДОВЕРИЕ" УЧУН ЙИЛЛИК  
ОБУНА БАҲОСИ 22 сўм 80 тийин  
(нашр кўрсаткичи - 64564).

КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАР УЧУН  
"ИШОНЧ"НИНГ ЙИЛЛИК ОБУНА  
БАҲОСИ 177 сўм 60 тийин  
(нашр кўрсаткичи - 64561).

"ИШОНЧ-ДОВЕРИЕ" УЧУН ЙИЛЛИК  
ОБУНА БАҲОСИ 40 сўм 80 тийин  
(нашр кўрсаткичи - 64568).

Обуна барча алоқа бўлимларида қабул  
қилинмоқда.



Зангиота тумани болалар ва ўсмирлар ижодий марказининг тажрибали тикув-  
чиси Рушангул Абдурашидова раҳбарлигидаги тўғарақда 51 нафар қизлар турли  
кийимларни тикиш-бичиш сирларини ўрганишмоқда.  
Тенгдошлари орасида Умида Ҳакимова, Севара Отамухамедовалар севган  
касбларини бошқаларга нисбатан пухта ўзлаштириб олмоқдалар.

Суратда: дугоналар ҳунар сирлари ҳақида суҳбатлашишмоқда.

Д. Аҳмад суратга олган.

## Спорт

### КУРАШ БЎЙИЧА ҒОЛИБЛАР

ШУ ЙИЛНИНГ 22 ноябрдан  
27 ноябригача РЕСПУБЛИКА-  
МИЗНИНГ икки вилоятида  
Ўзбекистон касаба уюшмалари  
Федерацияси кенгаши кубоги  
учун миллий кураш бўйича мусо-  
бақалар бўлиб ўтди. Фарғона ви-  
лоятининг Қува шаҳрида ўтган  
мусобақа курашнинг Фарғона  
усули, Қашқадарё вилоятининг  
Китоб шаҳрида ўтган мусобақада  
эса Бухоро усули бўйича белла-  
шувлар ташкил қилинди. Ушбу  
тадбирлардан мақсад республи-  
камиз вилоятларининг меҳнат  
жамоаларида кураш бўйича  
спортнинг миллий турлари қай  
даражада ривож топаётганлиги-  
ни аниқлаш ва унинг такомил то-  
пиришдан иборат бўлди.

Натижа шуни кўрсатдики,  
Фарғона ва Қашқадарё, шунинг-  
дек, Қува ва Китоб туман ҳоким-  
ликлари, касаба уюшмалари кен-  
гашлари раҳбарлари бу соҳа  
бўйича мақтовга сазовор ишлар-  
ни амалга ошириб келмоқдалар.  
Уларнинг саъй-ҳаракатлари ва та-  
шаббуслари билан Қува ва Китоб  
шаҳридаги мусобақалар ниҳоят-  
да юқори даражада ўтди.

Қува шаҳридаги Фарғона усу-  
ли бўйича беллашувда ғолиблик  
қуйидагича белгиланди:

Биринчи ўринни Фарғона ви-  
лояти, иккинчи ўринни Тошкент  
вилояти, учинчи ўринни эса На-  
манган вилояти курашчилари  
эгалладилар.

Китоб шаҳридаги Бухоро усу-  
лида ўтказилган кураш мусо-  
бақасида биринчи ўринни  
Қашқадарё вилояти полвонлари  
эгаллашди билан бирга Ўзбекистон  
касаба уюшмалари Федерацияси  
кенгашининг кубогини ҳам олиш-  
га муяссар бўлдилар. Иккинчи  
ўринни Бухоро вилояти, учинчи  
ўринни Китоб шаҳар кураш  
қатнашчилари эгаллашди.

Н. ТЕШАБОВ,  
А. ЗАСТЕБА.

### СЎРИ ВА ИШКОМ

— Қаддим томдан баланд. Баҳаво жойдаман.  
Тонгдан кечгача қуёш нурига ошноман, — дейди  
сўри димоғ-фироғ билан, — узум олтиндек товла-  
ниб пишади. Қадди паст ишкомнинг узуми узум  
бўлптими? Офтоб бўлмай сўлжайиб пишади.

— Сабаб? — савол беради сўрига таралган ток.

— Чунки ишкомнинг қаддига қара, ниҳоятда  
паст.

Ишком буни эшитса ҳам миқ этмади. Ўзига  
таралган токнинг руҳини кўтарган бўлиб деди:

— Ҳамма гап боғбоннинг меҳнатида, сўри, иш-  
комнинг баланд-пастлигидамас.

Боғбон ғўра ҳомтоги осон кўчади, шўра ҳомто-  
ка сира эринмади.

Ёз чилласи. Ишком, сўридаги узумлар кун сайин  
тўлишяпти. Боғбон ишкомнинг ғўра ҳомтогини  
кўнгилдагидек қилолди-ю, сўрига ҳеч чиқолмади.  
Шунинг учун ҳомтоги ҳам чала-чулпа бўлди.

Ишком эса салобат тўкиб қолди. Узумлари тил-  
лодай товланади. Боғбон меҳнатини улуғлайди  
гўё.

Сўридаги ҳосилнинг файзи йўқ. Новдалар  
қуршовида қолиб кетиб, узумлари етилмади. Охи-  
ри "кул" тушиб, тарс-тарс ёрилди.

Ҳа, гап баланд-паст бўлишда эмас, балки меҳна-  
тда экан.

### ЗАРҒАЛДОҚ

Кучсизгина шамолдан елпинаётган дарахтлар  
новдасига сув югурганича йўқ. Боғ оралаб икки туп  
олмага шакл бераман: беўхшов ўсган шохларини  
кесиб ташлайман.

— Ана энди баҳор ва ёз кўйлагини кийсанг  
ярашади, — дейман қилган ишимдан мамнун  
бўлиб. Сўнг бир шафтолига қарайман: танаси  
гадир-будир. Мункайган чолдай ерга энгашган.  
"Нимасига шакл берай бунинг? Қуруқ гавдасини  
аранг кўтариб турибди-ю, ёлчитиб ҳосил берарми-  
ди" дейман ичимда. "Яхсиси тагидан кесиб қутила  
қолай".

Болта олиб, эговлай бошладим.

— Ўша ерда намунча ўралашиб қолдинг? —  
дедилар дадам.

— Боғнинг ҳуснини бузиб, бесўнақай ўсган да-  
рахтдан не фойда, дада? Кесиб ташлай қолай.

— Бесўнақайнинг нимаси? Қаридим, ёрдам  
қилинглр, деб нажот сўрамаётганмикин? Қаддини  
ростлаб қўйиш керак. Мевага кирганда кўрасан  
ҳали, ҳуси тортиб кетади, — дадам кетмон солидек  
учта айри келтириб, шафтолининг учта шохига ти-  
раб қўйдилар. Мен шафтолининг қуриган чўкирттак  
шохларини бутаб ташладим.

Айни пишиқчилик. Боққа кираман, атрофга ти-  
килиб, кўзим тўймайди. Бирдан анави шафтолига  
кўзим тушади. Пиёладак-пиёладак  
зарғалдоқларнинг қизғич ранги офтоб тнги билан  
товланади. Бир донасини узмоқчи бўламан. Би-  
роқ... шафтоли: ўшанда назарга илмай, кесиб  
ташламоқчи бўлувдинг-ку, — деб таъна  
қилаётганга ўхшайди.

Ҳижолат чекдим.

Куни-кеча камситилган шафтоли шохлари лар-  
зон силкиниб, мевасини менга кўз-кўз қиларди  
гўё...

## Қатралар

### КЕЧИККАН ДИЛ ИЗҲОРИ

— Ким экан у? — ҳамроҳидан сўради отахон  
қабристон томонга ишора қилиб.

— Чойхонада гапни дўндирадиган анави йигит-  
да. Ҳах... оти нимайди..? Онасига мрамар тош  
қўйяпти.

— Танидим. Онаси ҳаётлигида ҳолидан хабар  
ололмовди. Мана энди...

— Ким билади, — гап қотади ҳамроҳи ҳам, —  
иш билан бўлиб, она ҳурматини бажо келтиришга  
улгуролмади, бояқши.

— Фарзанд шахсий ишига кечикиши мумкин, —  
унинг сўзидан қониқмади отахон. — Кечроқ олим  
бўлса бўларди. Бироқ, она интизорлигига пешвоз  
боришга кечикиш инсофданми? Аксинча, онанинг  
берган оқ сўти учун энди бир умр қарздор бўлиб  
қолмасди.

— Қаранг, лаблари пичирляпти унинг "Тирик-  
лигингизда кўнглингизни ололмадим. Кечиринг  
онажон", деяпти чоғи. Қулоқ солинг, — дейди  
ҳамроҳим бошини қуйи эгиб.

Дарҳақиқат, қабр устида қад тиклаётган мар-  
мар тош марҳум онасига кечиккан ҳурмати учун  
фарзанднинг афсус-надоматига ўхшарди.

### БУЛОҚ

Булоқ кўз очди. Севинч ёшлари тошиб, ирмоқ  
бўлиб оқди. ҳар шаффоф қатраси мафтункор  
кўзларга дур ато қилди, қақроқ лабларга эса жон.  
Бироқ, булоқ ёнидаги тепалик нураб борарди.  
Аламидан бир бўлагини узиб, булоқ узра отади.  
Булоқ кўзи беркилади. Зим-зиёда кўмиб, шаштини  
қайтармоқчи бўлади.

— Яхши қилмадинг, — деди унга булоқ, — бир  
бўлагингдан айрилдинг, иккинчисининг тақдири  
ҳам шундай бўлади.

Тепалик ғалаба қилгандай қаҳ-қаҳ уриб кулади.  
Булоқ индамади. Кўп ўтмай тепалик бўлагини  
қаррига тортди. Тепалик бўлаги эса ожизлана-  
ожизлана аввал парчаланди, сўнг эриб кетгандай  
кўздан паққоз йўқолди.

Керилганнинг кесаги отилса ҳам олти қулочдан  
ошмайди, деб шунга айтсалар керак-да.

### ЭГИЛИБ ЯШАГАНДАН КЎРА...

Гиёҳ шамолнинг бетайинлигига кўникиб қолган.  
Шарқдан эсса ғарбга қараб жанубдан эсса ши-  
молга қараб эгилади. Шамол унинг тебранишидан  
завқ олиб, баттар авжга чиқади.

— Ихтиёрингни шамолга бериб қўйганингга  
ҳайронман, — дейди бута танаси унга раҳми келиб,  
— у нима қилса шунга қараб  
қилпонглайверасанми? Мустақил бўл. Қатъиятинг  
қани?

Гиёҳ шамолнинг йўлидан чиқолмаслиги учун зил  
кетаётганини айтаолмайди-ю аммо ваз топади:

— Шамол измида у ёқ-буёққа эгилабериб чай-  
ир тортдим. Сен ҳам шундай қил. Бўрон турса  
синиб кетмайсан.

— Хотиржам бўл. Эгилиб яшагандан кўра, си-  
ниб ўлиш менга афзалроқ...

Ғани АБДУЛЛАЕВ.

Газетамизнинг навбатдаги сони  
31 декабрда чиқади.

МУАССИС:  
ЎЗБЕКИСТОН  
КАСАБА УЮШМАЛАРИ  
ФЕДЕРАЦИЯСИ  
КЕНГАШИ

Бош муҳаррир ўринбосари  
Акмал АКРОМОВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Рустам АБДУРАЗЗОҚОВ,  
Абдуманноп АЛИМБОВ,  
Дилбар ЖАҲОНГИРОВА,  
Тур ғунбой МАДИЁРОВ,  
Тур ғун НАЗАРОВ (масъул ко-  
тиб),  
Муҳаммаджон ОТАҚУЛОВ,  
Муҳайё ТўЛАГАНОВА,  
Раъно УБАЙДУЛЛАЕВА,  
Баҳодир УМУРЗОҚОВ,  
Тўлқин ҚОЗОҚБОВ.



• Бош муҳаррир қабулхонаси —  
56-25-36  
• Бош муҳаррир муовини — 56-52-89  
• Масъул котиб 56-52-78

БЎЛИМЛАР

• Касаба уюшмалари ва мухбирлар  
билан ишлаш — 56-82-79

• Социал адолат, иқтисодий ҳаёт,  
маданият, маънавият ва хатлар —  
56-87-78, 56-87-63

• Ишлаб чиқариш ва ҳўжалик —  
56-85-43

• ВИЛОЯТЛАРДАГИ  
МУХБИРЛАРИМИЗНИНГ  
ТЕЛЕФОНЛАРИ:

Андижонда — 5-23-10

Бухорода — 3-50-10

Гулистонда — 2-24-98

Жиззахда — 2-31-41

Навоийда — 3-52-99

Наманганда — 6-22-10

Нукусда — 2-44-46

Самарқандда — 35-64-22

Термизда — 2-70-07

Тошкентда — 56-82-79

Фарғонада — 4-28-29

Урганчда — 6-03-40

Қаршида — 5-33-71

• Муҳарририятга келган  
кўлэмалар (2 ораликда 5 бетдан  
ошмаслиги лозим) ва суратлар  
муаллифларга қайтарилмайди,  
фойдаланилмаган хатларга жавоб  
юборилмайди. Тахририят  
воситачилик қилмайди. Мақола-  
лардаги ҳамда реклама ва  
эълонлардаги фикр-мулоҳазалар,  
келтирилган факт ва рақамлар  
масъулияти муаллифлар ҳамда  
реклама ва эълон берувчилар  
зиммасидадир.

• Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа  
бошлаган.

• СОТУВДА эркин нархда.



• Шанба кунлари чиқади.

• Босишга топшириш вақти —  
19.00. Топширилди — 19.00

• Навбатчи масъул:

Тожибой АЛИМОВ.

• МАНЗИЛИМИЗ:

700165, Тошкент шаҳри,  
«Правда Востока» кўчаси, 24-уй.

• 64660 нусхада босилди.

• Нашр кўрсаткичи: 64560; 64561.

• Газетага 1994 йил 14 январда  
Ўзбекистон Матбуот Давлат қўмитаси  
томонидан 5 рақамли гувоҳнома  
берилган.

• IBM компютерида терилди ва  
саҳифаланди. Офсет усулида  
босилди. Формати А-3, ҳажми 2 босма  
табоқ.

• «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни.  
Корхона манзили. «Буюк Турон»  
кўчаси, 41-уй. • Буюртма Г-1253.

1 2 3 4 5 6